

**Илм  
инсоният  
гавҳаридир.**

Мирзо БЕДИЛ



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 27-mart, shanba № 24 (8257) ISSN 2010-6416


Баҳорги таътил кунларида ҳам туман олимпиадаси ғолиблари устозларини «тиндиришмади». Гоҳ дарслик, гоҳ дарсликдан ташқари саволлар билан муаллимларига мурожаат қилиб, билмаганларини «орланиб» ўтирмай, сўраб ўрганишмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда умумтаълим фанлари бўйича олимпиаданинг Тошкент шаҳар босқичи бошланди. Билимдонлар беллашувида 2-босқич ғолиблари, яъни 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган зукко ўқувчилар йил давомида олган билимларини синовдан ўтказишмоқда.

Эрта тонгда кўп вариантлик асосида тайёрланган ёзма (амалий) иш топшириқлари махфийлиги сақланган ҳолда муҳрланган конвертда Республика ташкилий қўмита аъзоси томонидан олиб келинди. Муҳрланган конвертлар ҳакамлар ҳайъати, аудитория раҳбарлари иштирокида очилди. Ҳайъат аъзолари ёзма ишларнинг ДТСга мос, мазмунан тўғри ва хатоларсиз тайёрланганини тасдиқлагач, ёзма иш варианты ўқувчилар сонига тенг миқдорда кўпайтирилди. Сўнг аудитория раҳбари, назоратчи ва ота-оналар вакили ёзма иш ёздириладиган хонада қолиб, синовларнинг адолатли ўтишини таъминлашди.

Физика, кимё, биология фанларидан эса лаборатория ишлари экспертизадан ўтказилиб, битта саволдан иборат вариант шакллантирилди. Мазкур вариантдан олимпиадада фойдаланиш мумкинлиги ҳақида далолатнома тузилди. Сўнг ўқувчилар лаборатория ишларини бажаришди.

## ЯНГИЛИК: РАҚОБАТДОШЛИК МУҲИТИ ЯНАДА КУЧАЙДИ



«Olimpiada — 2010»

В.Гранкин олган сурат.

— Бугунги олимпиададан умидларим катта, — дейди Сергели туманидаги 322-мактабнинг 9-«D» синф ўқувчиси Элёрбек Исмоилов. — Устозим — она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Муҳаббат Исаевадан олган билимларим билан ғолиб бўлишга ҳаракат қиламан. Устозим ва ота-онанинг менга бўлган ишончини оқлагим келади.

— Бу синов катта масъулият билан ўтказилмоқда, — дейди ташкилий қўмита раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси умумтаълим ва дарсликлар бўлими бошлиғи Шукур Бурҳонов. — Фан олимпиадасининг ўтказилиши тартибига киритилган бу йилги янгилик шундаки, айни босқичда аввалгидек фақат 1-ўринни эгаллаганлар эмас, фахрли 2, 3-ўрин ғолиблари ҳам иштирок этишяпти. Бу эса ўқувчилар ўртасида рақобатдошлик муҳитини кучайтириб, уларни янги-янги марраларга ундашда самара бераяпти. Натижада 126 нафар ҳайъат аъзолари 498 нафар ўқувчи билимини синовдан ўтказишмоқда. Холлислик таъминланиши учун ёзма иш дафтарлари исм-фамилия ёзилган варақсиз, шифрланган ҳолда текширилмоқда. Ўқувчи ва ота-она бу синовдан норози бўлмаслиги учун ота-оналардан вакиллар ҳам жараёни кузатишлари инобатга олинган.

МУХБИРИМИЗ

3-бетга қаранг.

## МАКТАБДА ИЛМИЙ ТАЖРИБА

ўқувчиларни ёш тадқиқотчига айлантирмоқда



Б.Ризоқулов олган сурат.

Март — табиий фанлар ойлиги юртимиз умумтаълим мактабларида қизгин ўтмоқда. Ой охирига келиб, бутун ойлик давомида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинади, ўқувчилар билимидаги самарадорликнинг қай даражада ўсганлигига қараб, ўқитувчининг нечоғлик яхши билим бера олгани маълум бўлади.

Хусусан, Сергели туманидаги 6-ихтисослаштирилган мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам ушбу ойликни мазмунли ўтказиш учун кўпгина тадбир ва очиқ дарс ва амалий машғулотлар ташкил қилишмоқда. Илмий тажрибаларнинг мактабданоқ ўтказилиши ўқувчиларни фан олами тадқиқотчисига айлантирмоқда. Бу вазифанинг масъулияти эса шу фан

ўқитувчиларининг зиммасига тушади. Мактабнинг физика фани ўқитувчиси Юлдуз Ҳамроева ҳам ўн олти йилдан бери ўқувчиларга ўз фанидан дарс бериб келади. Фаолияти давомида бу фаннинг ажойиб сир-синоатларини ўқувчиларга ўргатиб келаётган устознинг ўқувчилари фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритаётгани меҳнатининг муносиб баҳосидир. Бу эса ўз навбатида, устозни рағбатлантириб, дарсларини янги-янги усуллардан, замонавий технологиялардан фойдаланиб ўтишга ундамоқда.

Суратда: ўқитувчи Ю.Ҳамроева 8-синф ўқувчиларига дарс ўтмоқда.

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ИМКОНИЯТ  
УФҚЛАРИ  
КЕНГАЙМОҚДА

6-бет

НИЯТ  
МАҚСАДГА  
БОШЛАР

7-бет

ЯШИЛ  
ОЛАМ  
СИРЛАРИ

11-бет



## ЁШ ОЛИМЛАР ЭЪТИБОРДА

Соҳиба МУЛЛАЕВА,  
«Ma'rifat» мухбири

Илм шундай бир чўққиқи, уни забт этиш учун тинмай меҳнат қилиш, изланиш талаб этилади. Бу соҳада янги бир фикр айтиш учун ҳам йиллаб билим ва тажриба йиғишга тўғри келади.

Ўзбекистон Фанлар академиясида ўтказилган «Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий-экологик ва иқтисодий масалалари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияда ана шу фикрлар айтилиб, бирор соҳанинг етук мутахассиси бўлиш учун ёшлиқдан пойдевори мустаҳкам куриш керак, дея таъкидланди.

Конференция Академиянинг бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси, фалсафа ва ҳуқуқ институти, «Ёш олимлар» кенгаши, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ҳамда «Оила» илмий-амалий Маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Академиянинг илмий ходимлари, бир қатор профессор-олимлар ва республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ёш тадқиқотчилар қатнашдилар. Анжуман аввалида ўз иқтидори, салоҳияти билан ютуқларга эришган, илм дунёсида ўз сўзини айтишга уринаётган бир гуруҳ ёш олимларни 26та номинация бўйича тақдирлаш маросими бўлди.

Шундан сўнг «Ёш олимлар» кенгаши раиси Сайдулла Фуломов сўзга чиқиб, бугунги кун ёшлари, уларнинг илм олишга қай даражада қизиқиши ва бу борада мавжуд муаммо ва камчиликлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази раиси Васила

Каримова ўз нутқида ёш олимларда маънавий-ахлоқий тарбиянинг услубий масалаларига тўхталиб, бу борада таклифларини баён этди.

Шундан кейин ёш олимлар ҳам ўзларининг илмий изланишлари, тадқиқотлари билан иштирок этиб, янги фикр ва гоялари, амалий таклифларини билдириб ўтдилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ушбу тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад, илмий изланиш ва тадқиқот олиб бораётган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, фан янгиликлари билан таништириш ва тажриба алмашишдир.

Конференция ялпи йиғилиш қисми тугагандан кейин, уч гуруҳга бўлиб ташкил этилган шўъба йиғилишларида, баҳс ва мунозарали давра суҳбатларида давом этди.

## МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Наврўз байрами нафақат Ўзбекистонда, балки юртидан узоқда бўлган ватандошларимиз томонидан ҳам кенг нишонланмоқда. Жумладан, Германия, Япония, АҚШдаги ватандошларимиз ҳар йили ушбу шодиёнани ўзгача энтиқиш билан қарши оладилар. Хитой Халқ Республикасида таҳсил олаётган ўзбек талабалари бу йил ҳам Наврўзни нишонлашни қанда қилмади. Гансу провинциясининг маркази ҳисобланган Ланжоу шаҳрига баҳор келиб улгурмаган бўлса-да, ўзбек талабалари ҳамда таклиф этилган бир нечта хорижлик меҳмонлар Наврўзни табиат кўйида кутиб олдилар.

Ўзбекнинг байрами тўкин дастурхонсиз ўтмаслиги барчага маълум. Шу сабабли талабалар эрта тонгдан миллий таомларни тайёрлашга қизғин киришиб кетишди. Кўк сомса, ҳолвайтар, қовурма чучвара, палов, қатламалар билан бойитилган дастурхон, юртдошларимизнинг ушбу шодиёна учун махсус тиктирган миллий либослари, асосийси, бирдамлик ҳали қишнинг совуғи кетиб улгурмаган Ланжоу шаҳрига баҳорий кайфиятни олиб келди, десак адашмаган бўламиз.

Ўзбекистонда бўлган Ма Суан исмли хитойлик талаба Ватанимиз, ўзбеклар ҳақида сўз

СУМАНСО

борганда шундай дейди: «Сизларга ҳавасим келади, қандай миллий байрамингиз бўлмасин, дарҳол бирга йиғилиб, ўйин-кулги қиласизлар. Ўзбекистон эса менда илиқ таассуротлар қолдирди. Айниқса, ўзбек нони. Хитойлик дўстимиз «Байрамингиз қутлуг бўлсин» табригини тутилиб-тутилиб айтган бўлса-да, уни чин дилдан изҳор этилганини ҳис этдик.

Ҳақиқатан ҳам Наврўз — меҳр-муруват, инсонпарварлик, инсонларни руҳан бирлаштирувчи байрам. Барча замонларда Наврўз орқали халқнинг маънавий дунёси намойиш этилган, турмуш тарзи, орзу-ўйлари, гўзалликка, нафосатга бўлган муносабатлари ифода қилган.



## ТАРБИЯВИЙ ФИЛЬТР

«Кларплей Интернейшнл» компанияси DVD плайерларининг янги авлоди учун болаларни потенциал жиҳатдан хавфли бўлган видеотасвирлардан сақловчи махсус фильм яратди, деб хабар берди «Ар-би-си».



Ушбу техник тозаловчи аниқ бир фильмда мавжуд кадрларни етти мезон асосида қисқартиради ёки овозни йўқотади. Хусусан, зўравонлик, қон, беҳаёлик, сўкиниш, хунук ҳаракатлар каби саҳналар мавжуд қисмлар фильм эрдамида кўрсатилмайди.

Ушбу қурилма шу йил июль ойида савдога чиқарилади.

## «АҚЛЛИ» УЙ ТАҚДИМОТИ


Данияда экологик жиҳатдан энг тоза «ақлли» уйни таништириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу иншоот иситиш, сув билан таъминлаш, чироқни ёқиш-ўчириш, деразаларни очиш, пол ювиш, ўз вақтида овқат пишириш, қаҳва қайнатиш, хўжайин учун керакли ҳароратда ванна тайёрлаш каби ишларни мустақил равишда амалга оширади, деб хабар берди «Ньюс» манбаси.

— Қуёш батареялари эрдамида электр қуввати керакли миқдорда йиғилади. Ушбу иншоотни барпо этиш учун 5,5 млн. евро ажратилди. Ушбу сармоя истиқболга хизмат қилади. Ўн йилдан кейин бу каби уйлар оммалашса ажаб эмас, — дейди уй меъмори Лон Файфер.

Айримлар мазкур лойиҳанинг кенг миқёсда амалиётга тағбиқ этилишига унчалик ҳам ишонишмаяпти. Хуллас, бу борадаги қарашлар ҳам одатдагидек икки хил. У ёғини эса келажак кўрсатади.



## САВОЛ БЕРИНГ —



## ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**САВОЛ:** — Мен 2009 йил сентябрь ойдан бошлангич синф ўқитувчиси лавозимида ишляпман. Олдин мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаганман. Менга сентябрь—декабрь ойлари, яъни ярим йиллик иш фаолиятимдаги натижаларга кўра январь ойдан Директор жамғармасидан устама ҳақ белгилаш мумкинми? Мактаб раҳбарлари «Мумкин эмас, устама ҳақ фақат бир йиллик (яъни, июнь ойдан келгуси йил июнь ойигача) иш фаолиятига қараб белгиланади, уни ўзгартириб бўлмайди», дейишмоқда. Шу тўғрими?

Санжар ҚУРБОНОВ,  
Янгиариқ тумани

**ЖАВОБ:** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизimini тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 4-иловасига биноан Директор жамғармасидан махсус комиссия Низомига асосан устама олиш ҳуқуқига эга бўлган ўқитувчиларнинг 50 фоизгача бўлган ходимларга ўтган ўқув йилидаги таълим-тарбия фаолиятида эришган натижаларига қараб касб маҳорати учун 25 (15,20, 25) фоизгача ҳамда тарбиявий ва синфдан ташқари амалга оширган ишлари учун 15 (10, 15) фоизгача устамалар белгиланади. Юқоридаги қарорнинг 4-илова 19-бандига мувофиқ умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкаларига Директор жамғармаси ҳисобига ҳар ойлик устамалар ҳар бир ўқув йилида олдинги ўқув йили иш якунлари бўйича белгиланади ва ҳар бир ўқув ярим йиллиги якунлари бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин. Сиз ҳам махсус комиссия қарори билан устама олиш ҳуқуқига эгасиз.

**САВОЛ:** — Касаллик варақаси (бюллетень) орқали олинган моддий ёрдамдан даромад солиғи олинадими?  
Жонгул ХУШМАТОВА,  
Кармана туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси

**ЖАВОБ:** — Ходимларнинг касаллик варақаси учун (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари) тўланадиган маблағдан Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига асосан ўрнатилган тартибда даромад солиғи олинади.

Саволларга Халқ таълими вазирлиги Молиялаштириш бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи ўринбосари И.СУЛТОНОВ жавоб берди.

## ЧЕККА ЖОЙЛАРДА ҚЎЛ КЕЛАДИ

Сингапурлик олимлар одам организми учун хатарли бўлган микроблар, захарли моддалар ва бошқа биологик хавфни аниқлашга ёрдам берадиган қўл сенсорини яратдилар.

Ушбу қурилмани ишга тушириш учун уни компьютер ёки қувват манбасига улаш шарт эмас. Кўринишидан оддийдек туюладиган сенсорда фан-техниканинг сўнгги ютуқлари қўлланилган, деб хабар берди митти давлатдаги электрон манбалар. Мазкур диагностик асбобдан тиббиёт муассасаларидан узоқда жойлашган ҳудудларда фойдаланиш мумкин.

## УЛАР ЭНДИ ЕВРОПАДА

Тўртбурчак тарвузлар Европа бозорларида ҳам пайдо бўлади. Панама давлати гайриоддий шаклдаги полиз эккинларини кўхна қитъага экспорт қилишни бошлади. Яқин кунларда харидорлар уларни Бельгия, Буюк Британия, Германия ва Голландия дўконларидан харид қилиш имконига эга бўлади.

«Фрут Продюсерс» компаниясининг хабар беришича, Панама мевалари ва резаворлари хуштаъмлиги ва узоқ вақт бузилмасдан сақланиш хусусиятига эгалиги билан Америка ва Европада шухрат топган. Мазкур давлат энди аслида ўстириш технологияси Японияда яратилган тўртбурчак тарвузни етиштириб сотишни йўлга қўйди.





**ЯНГИЛИК:**

# РАҚОБАТДОШЛИК МУҲИТИ ЯНАДА КУЧАЙДИ

## КАТТА ДОВОН ОЛДИДАН

Республикамизнинг барча вилоятларида фан олимпиадаларининг учинчи bosqichi бўлиб ўтмоқда.

Умумтаълим фан олимпиадаларининг биринчи ва иккинчи bosqichlarida муваффақиятли қатнашиб, ўз иқтидорини намойиш эта олган 1125 нафар ўқувчи учинчи bosqich беллашувига келдилар. Улар катта синовлардан ўтиб, республика миқёсидаги беллашувларда иштирок этиш учун қизгин кураш бошлашди.

Термиз олимпия захиралари коллежида вилоят олимпиадасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлуда Қобилова қатнашди ва йиғилганларни билимлар байрами билан

қутлаб, уларга муваффақият тилади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Алишер Менглиев, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази вакиллари сўзга чиқиб, "Баркамол авлод йили"да ёшларга яратилаётган кенг шароитлар, уларнинг ўз истеъдодини намойиш этишларида фан олимпиадаларининг аҳамиятига тўхталдилар. Шу билан бирга бу йилги академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари олимпиадасининг вилоят bosqichini ўтказиш бўйича Низом ва тартибига киритилган муҳим ўзгаришларни атрафлича изоҳлаб беришди. Шундан сўнг битирувчи синф ўқувчилари аудитория

раҳбарлари етакчилигида 17та фандан ёзма ишларни бажариш учун белгиланган хоналарга кирдилар.

Фарзандлари билимлар синовига киргач, ота-оналар, ўқитувчилар, таълим-тарбия масканлари раҳбарларини суҳбатга чорладик.

— Бу йил вилоят bosqichida 7 нафар ўқувчимиз иштирок этмоқда. Тарих, ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари, она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёт фанларидан ўз билимини синовдан ўтказаяётган ўқувчиларимиздан умидимиз катта. Айниқса, тарих фани муаллими Зайниддин Мандоновнинг шогирдлари қатор йиллардан буён муваффақиятли иштирок этиб, республика bosqichlarida ҳам голибликни қўлга

ритиб келмоқда, — дейди Денов туманидаги 1-мактаб директори "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибаси Хосият Қораева.

Жарқўрғон туманидаги 12-давлат ихтисос-

### Olimpiada — 2010

лаштирилган мактаб-интернати директори Орифжон Ҳайитов бу ҳақда шундай дейди: "Ҳақиқатдан ҳам, ўқийман, изланаман, ўрганаман деган йигит-қизлар учун давлатимиз ва ҳуқуқимиз барча шароитларни яратиб бераёпти. Бунинг натижасида мамлакатимиз келажагини бунёд этадиган ватанпарвар, халқсевар кадрлар етишиб чиқмоқда.

**Норқувват Тўраев.**  
Сурхондарё вилояти

## МАҲОРАТ ИМТИҲОНИ

### унда ҳамма голиб бўлишни истайди

Бу синовда одатда, энг билимлилар беллашади. Қарши давлат университети қошидаги "Нуристон" академик лицейида Қашқадарё вилоятидаги умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари фан олимпиадасининг вилоят bosqichida ўз куч ва имкониятларини синовдан ўтказаяптилар.

— Ҳафта бошида олимпиаданинг очилиш маросими бўлиб ўтди, — дейди вилоят фан олимпиадаси ташкилий кўмитаси раиси ўринбосари Нормамат Холмуродов. — Ташкилий кўмита аъзолари томонидан билимлар байрамини кўнгилдагидек ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Аудиториялар, компьютерлар, канцелярия маҳсулотлари, туманлардан келганлар учун ётоқхоналар шай ҳолатга келтирилди. 18та фан бўйича 1, 2, 3-ўринлар энг зукко, билимдон ва иқтидорли ўқувчиларга насиб этади.

Олимпиаданинг бу йилги вилоят bosqichida ҳакамлар ҳайъати аъзолари умумтаълим мактабларининг 1055 нафар битирувчи синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежларидан эса 577 нафар, жами 1632 нафар зукко иштирокчининг таълим даргоҳларида эгаллаган билимларига холис баҳо бермоқдалар.

**Абдували Обиддинов.**  
Қашқадарё вилояти

## ИЖОБИЙ РАҚОБАТ САРАЛАШ СИФАТИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган умумтаълим фан олимпиадасининг вилоят bosqichi Бухоро шаҳридаги тиббиёт коллежида бўлиб ўтмоқда. Билимдонлар беллашувининг III bosqichida академик лицей, касб-хунар коллежлари ва мактаб ўқувчиларидан жами 1400 нафар толиби илмлар ўзаро куч синашишмоқда.

— Жорий йилги фан олимпиадаларида саралаш имконияти янада юқори, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари Ҳалим Ражабзода. — Чунки бу йилги синовларнинг олдингиларидан фарқли томони шундаки, тадбирнинг вилоят bosqichida, туман bosqichi голиблари қаторида 2 ва 3-ўринларни олган ўқувчилар ҳам иштирок этаёпти. Бу катта ижодий рақобат муҳитида фан олимпиадаларининг республика bosqichiga қатнашиш учун вилоятимиз терма жамоасини сифат жиҳатидан одилона саралаш имконини бе-

ради. Синовларни юқори савияда ташкиллаштириш учун танланган маскан — тиббиёт коллежида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Иштирокчилар 2 турда, яъни, ёзма ва тест топшириқлари орқали билимларини синовдан ўтказишади. Физика, кимё ва биология фанларидан эса 3-тур — лаборатория ишлари ҳам ўтказилаёпти.

Дарҳақиқат, бугунги синовларнинг нечоғли одилона, холислик мезонлари асосида ўтишига ана шу жараёнда иштирок этаётган барча таълим ходимлари масъулдир.

Шу мақсадда фан олимпиадаларининг вилоят bosqichi ҳайъат аъзолари таркиби ҳар бир фандан 5—7 нафар киши қилиб белгиланди. Ҳайъат таркиби Бухоро ООЕСТИ профессор-ўқитувчилари, шунингдек, КХКлари ҳамда умумий ўрта таълим мактабларининг тажрибали педагогларидан шакллантирилган.

**Сора ТОШЕВА.**  
Бухоро вилояти

## БИЛИМ СИНОВДА ТОБЛАНАДИ

Жиззах шаҳридаги 1-мактабда фан олимпиадасининг 3-тур bosqichlari бошланди. Унда билимлар беллашувининг 2-bosqichida голибликни қўлга киритган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг бир ярим минг нафарга яқин ўқувчи-ёшлари иштирок этмоқда. Улар 21та фан бўйича ўз малака ва иқтидорларини яна бир бор синовдан ўтказадилар.

Олимпиаданинг очилиш маросимида Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Солижон Қобилов барча қатнашчиларни қизгин қутлаб, уларга омад тилади. Фан олимпиадасини холисона, ошкора ва адолат мезонлари асосида ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади. Шундан сўнг, ўқувчилар ўз билимларини синовдан ўтказиш учун беллашувга киришдилар.

— Мактабда фан олимпиадасини намунали ўтказиш

учун барча шароитлар муҳайё, — дейди Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Шаҳноза Ўралова. — Бу bosqichda мактабимиздан 19 нафар ўқувчи иштирок этмоқда. Мен информатика фанидан эгаллаган билим ва кўникмаларимни имтиҳондан ўтказаяпман. Оғзаки ва ёзма ҳамда амалий топшириқларни бажариш учун мактабдаги шароитлар бизни қониқтирди.

Фан олимпиадасида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳам фаол қатнашаётир. Зомин қишлоқ хўжалик ва маиший хизмат касб-хунар коллежининг 3-bosqich талабаси Шоҳсанам Норқулова ўтган йили ҳам беллашувларда иштирок этиб, 2-ўринни қўлга киритган эди. Бу сафар Шоҳсанам физика фанидан олимпиаданинг вилоят bosqichida голибликни қўлга киритиб, республикада ҳам муносиб иштирок этишни мақсад қил-

ган. Дастлабки синовлардан унинг кўнгли тўқ.

Таъкидлаш лозим, олимпиаданинг вилоят bosqichini белгиланган Низом асосида ташкил этиш ва ўтказиш борасида вилоят халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ўқувчилар билимини вилоятдаги тажрибали устоз-мураббийлар, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиларидан иборат ҳакамлар кузатиб, баҳолаб бормоқда. Улар зиммасига фан олимпиадасининг республика bosqichida вилоят шарафини муносиб ҳимоя қиладиган зукко ва билимли ўқувчиларни танлаб олиш масъулияти юкланган. Шунингдек, олимпиада жараёнини кузатиб бориш учун ота-оналарга ҳам зарур имкониятлар яратилган.

**Абдусаттор СОДИҚОВ.**  
Жиззах вилояти

## АҚЛУ ЗАКОВАТ КИМДА КУЧЛИ БЎЛСА республика bosqichiga йўл олади

Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги 2-академик лицейида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика фан олимпиадаларининг вилоят bosqichi бошланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими ва Давлат тест марказларининг вилоятдаги вакиллари ҳамда ташкилий кўмита аъзолари етакчилигида ўтказилаётган ушбу билимлар синовини белгиланган низом асосида, холислик мезонлари бўйича олиб борилмоқда. Иштирокчиларга эса тиббий, ахборот ва бошқа зарурий

хизматлар кўрсатилмоқда.

Бу йилги вилоят фан олимпиадаларида умумтаълим мактабларидан 1627, ўрта махсус касб-хунар коллежларидан 533, академик лицейлардан 243 нафар ўқувчи 19та фан йўналиши бўйича шунингдек, вилоятдаги 45-махсус мактаб-интернати ўқувчилари математика ва она тили фанларидан ўз билимларини намойиш этишмоқда.

Ушбу мусобақалар ёзма, мустақил ва амалий ишлар ҳамда тест синовларини ўз ичига олади, — дейди вилоят Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи, ташкилий кўмита раиси Олимжон

Саримсоқов. — Ўқувчилар билими шу бўйича баҳоланиб, голиблар аниқланади. Бунинг учун эса барча шарт-шароитлар яратилган. Фан олимпиадаларини одилона ўтказиш йўлида ташкилий кўмита аъзолари, аудитория раҳбарлари, назоратчилар ва ҳакамлар ҳайъати ўз вазифаларини сидқидилдан уддалашмоқда.

Дарҳақиқат, билим, изланиш, интилиш ва адолат тарозиси бўлган ушбу фан олимпиадаларидан фақат энг кучли ақл-заковатли, иқтидорли ва истеъдодли, ёшлар республика bosqichiga йўлланма олади.

**Пўлат ҲАМДАМ.**  
Наманган вилояти

## МАҚСАД — ЁШ ИҚТИДОРЛАРНИ КАШФ ЭТИШ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 2-сон академик лицейида касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган Республика фан олимпиадасининг III (вилоят) bosqichi бошланди.

Ёшларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини намоеён қилишлари, танланган фанлар ва ихтисосликлар бўйича чуқур изланишлар олиб боришга қизиқтириш ҳамда келажақда ўзлари истаган касбни тўғри танлай олишига йўналтириш мақсадида таш-

кил этилган мазкур тадбирда ўқувчилар ёзма ва амалий ишлар, тест топшириқлари асосида беллашишмоқда. 18та умумтаълим фанлари бўйича ўтказилаётган билимлар танловида айна пайтда 1605 нафар ёшлар баҳс юритмоқда.

Олимпиадада ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 2-курс ўқувчиларидан 275 нафар, 3-курсда таълим олаётган ўқувчилардан 282 нафар ёшлар иштирок этмоқда. Шунингдек, туман ва шаҳар bosqichlarидан муваффақиятли ўтган умумтаълим мактаб-

ларининг битирувчи синф ўқувчиларидан 1000 нафардан зиёди танловнинг вилоят bosqichida ўз билимини синовдан ўтказаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, математика ва кимё фанларидан 1-5 ўринларни эгаллаган ўқувчилар Республика терма жамоасини шакллантириш мақсадида саралаб олинади. Ушбу терма жамоа аъло даражада билим савиясига эга ёшлардан таркиб топгандан сўнг, халқаро олимпиадаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

**Ҳаким Жўраев.**  
Самарқанд вилояти



АМУДАРЁ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ҲАМ «ОЧИҚ ДАРСЛАР ФЕСТИВАЛИ» ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛМОҚДА. ҲАҚАМЛАР ҲАЙЪАТИ ТОМОНИДАН ИЖОБИЙ БАҲОЛАНГАН ДАРС ИШЛАНМАЛАРИ АМАЛИЁТДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТУМАН МАКТАБЛАРИГА ТАВСИЯ ҚИЛИНДИ.

Тумандаги 85-мактаб ўқитувчилари ўқувчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларда ҳаётий кўникмаларни шакллантириш, маънавий-маърифий билимларини ошириш, уларни тарихий анъаналар, қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида талайгина ишларни олиб боришмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини чуқур ўрганиш учун умумтаълим мактабларининг 9-синфларида 10 соатлик факультатив дарсларнинг самарали ташкил қилинишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

ган ҳар бир дарс ўқувчилар қалбига халқимизнинг бой ўтмиши, тарихий маданияти билан бирга, бебаҳо хазина бўлмиш миллий-маънавий меросимизга ҳурматни ҳам чуқур сингдиришга ёрдам беради, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Арзигул Худойбергенова. — Асарга бағишланган дарслар маънавият хонасида ташкил этилади. Мавзуга оид турли кўргазмалар, видео проектор, мультимедиа ва бошқа техник воситалардан фойдаланилмоқда.

Равшан ХОЛМУРАТОВ, туман ХТБ методика кабинетини мудири ўринбосари

— Бу асарни ўрганиш бўйича ташкил қилин-

ДАЛА-ДАШТЛАРНИНГ ЯМЯШИЛ ЛИБОСГА БУРКАНИШИ, ДОВ-ДАРАХТЛАРНИНГ АЛВОН-АЛВОН ГУЛЛАР БИЛАН БЕЗАНИШИ, КАМАЛАК ЖИЛОСИ... БУЛАРНИНГ БАРИ ЮРТИМИЗГА БАҲОРНИНГ ТАШРИФИДАН ДАРАК.

Бу уйғониш фасли табиат билан уйғунликда одамларнинг қалбига ҳам баҳорий кайфият, қувонч ва сурур олиб келади. Баҳорнинг бор гўзаллиги ҳозирда диёримиз узра нишонланаётган Наврўз байрамида мурасам.

Тошкент туманида ҳам Наврўз байрами инсонлар кўнглига қувонч шодлик, ҳақиқий байрамона кайфият бахш этди. Байрам тadbирларида тумандаги барча соҳа вакиллари, хусусан, таълим муассасаларидан устоз-мураббийлар, талабалар, ўқувчилар қатнашди.

Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари меҳмонларга байрамона сурур улашган бўлса, ёш ўғил-қизлар ҳам қўшиқ ва рақслари орқали даврага янада файз киритди. Тумандаги баъзи мактаб ўқувчиларининг миллий либослар намойиши, гуллар кўргазмаси ва сахна кўринишлари байрам қатнашчиларининг олқишига сазовор бўлди. Наврўз чин маънода гўзаллик сайлига айланди.

Назира РАҲМАТОВА, Тошкент туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУТУБХОНАЛАРИ КИТОБ ФОНДЛАРИНИ БАДИИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА УСЛУБИЙ АДАБИЁТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИБ БОРИШ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ТУРИБДИ.

Шу мақсадда Халқ таълими вазирлигининг буйруғи асосида 2002 йилдан буён республика умумий ўрта таълим муассасаларида «Мактаб — кутубхона — оила — жамоат ташкилотлари» хайрия тadbирлари ўтказиб келинмоқда.

Куни кеча Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабида «Мактаб—кутубхона—оила—жамоат ташкилотлари» ҳамкорлигини янада кучайтириш, мактаб кутубхоналарида таълим-тарбиявий ишни бошқариш ва ички назоратнинг ноанъанавий услубларини жорий этиш, ўқувчиларда кутубхона-библиографик саводхонликни шакллантириш, уларда китобга бўлган муносабатни, ахборот олиш маданиятини тарбиялаш мақсадида «Китоб — билим манбаи» мавзусида китоб марафони ўтказилди. Tadbирда мактаб ўқувчилари томонидан китобни, она-Ватанини улуғловчи шеър ва қўшиқлар ижро этилди. Tadbир давомида мактаб ўқувчилари

ридан 780 дона, ўқитувчилардан 60 дона, хомийлардан 217 дона, жами бўлиб 1057 дона китоблар мактаб кутубхонасига совға қилинди. Айниқса, тadbирда иштирок этган туман ижодкорлари Моҳинур Исонованин «Ялпизлар шивирини», «Беғубор ёшлигим», Давлатой Тўрахонованин «Дилдаги қўшиқларим», Сожида Фозилованин «Ҳаёт меҳри» китобларининг совға қилиниши мактаб жамоасининг қувончига қувонч улашди. Эндиликда мактаб ўқувчиларининг кутубхонадаги янги замонавий адабиётлар билан яқиндан танишиш ва уларни кўпроқ мутолаа қилишлари учун шарт-шароитлар яратилди, десак муболаға бўлмайдими. Худуд шундай тadbирлар жорий йилнинг март — май ойлари давомида вилоятнинг барча туманларидаги умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилиб борилади.

Х.ТўРАҚУЛОВ, вилоят Ахборот-ресурс маркази директори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИ, СОЛИҚ КОДЕКС НОРМАЛАРИНИ ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДГА ЕТКАЗИШ, УЛАРНИНГ СОЛИҚ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ, СОЛИҚЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИНИ ТУШУНИБ ЕТИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ТУРЛИ ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИБ ТУРИШ МАҚСАДГА МУСОФИҚДИР.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри мактаб, лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида «Солиқ билимлари — болаларга» кўрик-танловини ўтказди. Унда беллашув қатнашчилари ичидан «Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати» мавзусидаги энг яхши иш, «Солиқлар нимага тўланади ва нимага сарфланади?» мавзусидаги компьютер тақдими йўналиши бўйича голиб ўқувчилар аниқланди. Бундан ташқари, мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган кўргазмалар чиқишлар, солиқ мавзусидаги расм ва ҳикоялар ҳайъат аъзоларининг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Танлов голиблари Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



М.МЎМИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА ҲАМ «ЮРТИМИЗГА ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗИ!» БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Карнай-сурнай садолари остида бошланган байрамни университет ректори А.Исмоилов очиб, йиғилганларни байрам билан қутлади.

жуфтлигидаги лапар йўналишида айтишув даврага ўзгача миллий руҳ бағишлади.

Tadbir давомида «Наврўз таомлари» кўрик-танлови ҳам ўтказилиб, бунда баҳорий таомлар билан безатилган Халқаро журналистика факультети дастурхони 1, нон улашаётган хонатласдаги 1-инглиз филологияси факультети қизлари 2, француз филологияси факультети жомоаси 3-ўринни кўлга киритди.

Махлиё ОТАБОЕВА, Нодира НАЗАРОВА

Tadbir истеъдодли талаба-ёшларнинг чиқишларига бой бўлди. Айниқса, республика ва жаҳон ареналарида фаол иштирок этган спортчи-талабаларнинг чиқиши, шунингдек, Дилрабо Сайдуллаеванин хоразма, сурхонча рақси, Зебо Нурмонова ва Эргаш Боборажабов

ҚИЗАЛОҚЛАР ЁМФИРПЎШ КЎТАРИБ ОЛГАН. КЎШИҚ ҲАМ ЁМФИР ҲАҚИДА. АММО ТЕПАДАН ТОМЧИ ҲАМ ТУШАЁТГАНИ ЙЎҚ, ЧУНКИ — БУ САХНА. БАҲОРИЙ МАНЗАРАЛАРНИ ТОМОШАБИНГА ТАҚДИМ ЭТИШ УЧУН БУ ҚИЗАЛОҚЛАР БИР ОЙДАН БЕРИ ТАРАДДУД КЎРАДИЛАР.

Тошкент шаҳридаги 155-умумий ўрта таълим мактаби педагогик жамоаси Наврўз — умумхалқ байрами олдидан ўз ўқувчиларининг театрлаштирилган дастурини ташкил этди. Рақс санъатига қизиқадиган ўқувчиларни жамлаб, уларга ана шу санъатнинг назик қирраларини ўргатиб келаётган Шоҳида Избосарова, Мастура Хабирхонова ана шу тadbирда тўғарак аъзоларининг маҳоратларини намойиш этишларидан хурсанд бўлди. Ёмфир ёғиш ҳолати, варрак ўйини, Баҳоройнинг ташрифи, Деҳқонбобонинг далага отланиши каби ҳолатлар байрам сценарийсига ўзгача руҳ бағишлагани бежиз эмас. Чунки баҳорнинг ўлкамизга қадам ранжида этишини болажонлар ҳам илҳақ кутгани рост.

Мактаб раҳбари Зулфия Юсупова «Баркамол авлод, қоқмоқда қанот» деб номланган ушбу тadbir сўнггида сўзга чиқиб, фаол иштирокчиларга фахрий ёрликларни топширди.

МУХБИРИМИЗ

ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ КЕЗИБ ЮРГАН ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРДА ЎЗГАЧА КЎТАРИНКИЛИК БИЛАН НИШОНЛАНМОҚДА.

Қарши шаҳридаги 23-мактабда ушбу байрам «Қизлар давраси» танлови билан бошланди.

Унда 9-синф ўқувчи-қизлари ўзаро беллашдилар. Мактаб директори Маҳбуба Алимардонова бошчилигидаги ҳақамлар ҳайъати аъзолари қизларнинг таништирув, миллий анъаналар, пазандалик маҳорати, спортсеварлик ҳамда эркин мавзудаги чиқишларини баҳолаб бордилар. Миллий анъаналар ва сумалак тайёрлаш чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Қизларни ушбу тadbirга тайёрлашда мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Насиба Самадова ҳамда хотин-қизлар қўмитаси раиси Тожигул Жуманазарованин хизматлари катта бўлди.

Tadbir якунида 9-«А» синф ўқувчи-қизларидан иборат «Насаф гуллари» жамоаси голиб деб топилди ва мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланди. Мумтоз мусиқа садолари билан асосий байрам шодиёналари бошланди.

Хулкар ҲАЙИТОВА, мактаб ўқитувчиси

БАҲОРГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА ҲАМ ФАН ОЙЛИКЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ЎҚУВЧИЛАР ФИЗИКА, КИМЁ, БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ҚИЛИНГАН ИШЛАРИ САРҲИСОБИ БИЛАН ТАНИШИБ, ТУРЛИ КЎРИК-ТАНЛОВЛАРДА ҚАТНАШМОҚДАЛАР.

Юнусобод туманидаги 70-мактабда бўлиб ўтган «Баркамол авлод — ёш физиклар мисолида» кўргазмалари курул ва намунавий дарс ишланмалари кўрик-танловида устозлар қаторида ўқувчилар ҳам фаоллиги, ижодкорлиги билан ажралиб турди. РТМ аниқ фанлар методисти Замира Сангирова, ТШХТББ мутахассиси Нодира Шомансурова, Юнусобод ТХТБ методистлари Сурайё Муслимова, Юлдуз Шамсиева, Гулчеҳра Ёқубовадан иборат ҳайъат

мактаб), Аббос Орифхўжаев (63-мактаб) тест топшириқларини бажариб, фахрли ўринни эгаллашди. Оригинал кўргазмалари куруллар тайёрлашда эса тумандаги 9, 12, 105, 235, 240-мактаб жамоаси голиб деб топилди.

— Физика кабинетлари давлат томонидан тўлиқ лаборатория жиҳози ва ускуналар билан таъминланган,



аъзолари «Иқтидорли ўқувчилар» танлови, физика фанидан тайёрланган кўргазмалари курул, деворий газета ҳамда ўқувчиларнинг тўғарак ишларидан намуналарни кўриб, уларга юқори баҳо беришди. Комила Абдуллаева (246-мактаб), Севара Зиннатиллаева (70-мактаб), Назокат Тоирова (9-

— дейди Г.Ёқубова. — Шунга қарамай бугун намойиш қилинаётган кўргазмалари куруллар ҳам янги мавзуларни ўтиш, мустаҳкамлашда асқотиши билан аҳамиятлидир. Зеро, қўл меҳнати ҳар қандай тайёр кўргазмадан устундир.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи



# ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИ: умумтаълим фанлари дарс мавзуларига қандай сингдирилади?

Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" деб номланган маърузаси мазмуни ва моҳиятини мактабда ўргатишнинг аҳамияти катта. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёшлар онгига етказиш талаб қилинмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Президентимиз маърузасида келтирилган, мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарига кўрсатилаётган ёрдам, аҳолини ижтимоий жиҳатдан

қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар самараси тўғрисидаги маълумотларни ўқувчиларга етказиш, уларни онгли ва эркин шахс сифатида шакллантириш таълим-тарбия олдидан турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Бундан ташқари, "Фарғонаазот" ва "Максам-Чирчиқ" корхона-ак агрегатлари-структура қилиниган шахрида энбиллар учун чиқарадиган завод, Бухоро шахрида "ДЭУ текстиль" тўқимачилик комплекси қурилиши каби стратегик лойиҳаларнинг ниҳоясига етказилиши, мамлакатимизнинг темир йўл тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" янги темир йўл ли-

ниясида Япония гранти асосида 5та кўприкнинг фойдаланишга топширилиши, "Навоий-Учкудук-Султон Увайстоғ-Нукус" темир йўл линиясининг бта янги разъезди ишга туширилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бундай лойиҳаларнинг амалга оширилиши ўқувчиларда бутун дунёда ҳукм сураётган инқироз шароитида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти кундан-кунга ортиб бораётганлиги тўғрисидаги фикрлар билан бир қаторда Ватанидан гурурланиш туйғуларини ҳам шакллантириши шубҳасиздир. Бундай мақсадларни амалга оширишда маърузадаги материаллар қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Ўқув йили давомида ҳар бир фан ўқитувчиси маъруза материалларини ўқувчиларга сингдириб боришида ушбу тавсиялар дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



**Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасини умумтаълим муассасаларида фанлар таркибига сингдириб ўргатиш юзасидан тавсия**

№	Маърузадаги асосий тушунчалар	Мавзу номи	Сингдириш усули
<b>Иқтисодий билим асослари</b>			
1.	Мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.	9-синф. 13-мавзу. <b>Давлатнинг иқтисодий вазифалари.</b>	Мамлакатимизнинг 2009 йил давомида иқтисодий соҳада эришаётган ютуқлари ҳақидаги маълумотларни мавзу мазмунига сингдириб ўқитиш.
2.	Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.	9-синф. 15-мавзу. <b>Давлат бюджети.</b>	Ўзбекистон аҳолиси ўртача даромадининг ўсиши ҳақида маълумотлар, аввалги йиллардаги иқтисодий ривожланиш суръатларининг қиёсий таҳлиллари мавзу мазмунига сингдирилади.
3.	Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш — мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга бўлди.	9-синф. 27-мавзу. <b>Импорт ва экспорт.</b>	2009 йил давомида мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар, Ўзбекистон Республикасининг аввалги йиллар давомида товар импорти ва товар экспорти ҳажмларининг қиёсий таҳлилларини мавзу мазмунига сингдириб ўқитиш.
4.	Дастур доирасида амалга оширган яна бир муҳим тадбиримиз – солиқ юкни енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича ҳўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир.	9-синф. 16-мавзу. <b>Солиқ тизими.</b>	Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида солиқнинг аҳамиятини мавзу мазмунига сингдириб ўқитиш.
5.	Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаяётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.	9-синф. 1-мавзу. <b>Тадбиркорлик.</b>	Тадбиркорликдан тушадиган даромадлар, ижтимоий трансфертлар, имтиёзлар кўринишидаги даромадлар ҳақидаги маълумотларни мавзу мазмунига сингдириб ўқитиш.
<b>Тарих</b>			
6.	Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислам тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда.	5-синф. 53-мавзу. <b>Иқтисодий тараққиёт</b>	Янги маълумот сифатида мавзу мазмунига сингдириш.
<b>География</b>			
7.	Нефть-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш – мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга бўлди.	8-синф. 13-мавзу. <b>Кимё саноати</b>	Мамлакатимизнинг 2009 йил давомида иқтисодий соҳада эришаётган ютуқлари ҳақидаги маълумотларни мавзу мазмунига сингдириб ўқитиш.
8.	— Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришдик. Бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,3миллиард доллардан кўпроқ ижобий сальдо билан яқунлаш имконини берди. Бундай натижа, ўз навбатида, мамлакатимизнинг тўлов балансининг ишончилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга имкон берди.	8-синф. 39-мавзу. <b>Халқаро иқтисодий алоқалар</b>	Янги маълумот сифатида мавзу мазмунига сингдириб ўқитиш.
9.	Ўтган йили "Фарғонаазот" ва "Максим-Чирчиқ" корхоналарида аммиак агрегатларини реконструкция қилиш, Наманган шахрида енгил автомобиллар учун фара ва чироқлар ишлаб чиқарадиган завод, Бухоро шахрида "ДЭУтекстиль" тўқимачилик комплекси қурилиши каби стратегик лойиҳалар ниҳоясига етказилди. Мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича ишлар давом эттирилди. "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" янги темир йўл линиясида Япония капитали иштирокида 5та кўприк фойдаланишга топширилди. "Навоий-Учкудук-Султон Увайстоғ-Нукус" темир йўл линиясининг бта янги разъезди ишга туширилди. Темир йўлларни электрлаштириш, темирйўл локомотивлари парки ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошланди.	8-синф. 37-мавзу. <b>Қуруқлик транспорти</b>	Янги маълумот сифатида мавзу мазмунига сингдириб ўқитиш.
<b>Физика</b>			
10.	"Газли" қўшимча компрессор станцияси ишга туширилди, шунингдек, "Қўнғирот" компрессор станциясида кунига 35 миллион куб метр газни қуритадиган иншоот барпо этилди. Туркманистондан Ўзбекистон ҳудуди орқали Хитойга ўтадиган газ қувурини тортиш ишлари яқунланди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг транзит имкониятларини янада кенгайтиради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир нечта кичик станцияни ўз ичига олган "Янги Ангрен-Ўзбекистон" ЛЭП-500 электр узатиш линияси, Қамчиқ довони орқали ўтадиган 165 километрлик "Охангарон-Пунгон" магистрал газ қувури, "Фузор-Сурхон" юқори вольтли электр узатиш линиясини қуриш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари асосан яқунланди. Бу эса Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш, шунингдек, электр энергия экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имконини беради.	8-синф. 46-мавзу. <b>Электр энергияни узатиш</b>	Мамлакатимизнинг 2009 йил давомида иқтисодий соҳада эришаётган ютуқлари ҳақидаги маълумотларни мавзу мазмунига сингдириб ўқитиш.
<b>Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари</b>			
11.	Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилмоқда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда таъсирчан ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятлар қўлга киритилмоқда.	7-синф. <b>Экологик маданият.</b>	Экология соҳасидаги янгиликлар ўқувчиларга етказилади.
12.	Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бир-биридан масъулиятли ва кенг қўламли бир қатор вазифаларнинг борлиги, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги кунини ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқ.	9-синф. <b>Мафқуравий иммунитет.</b>	Фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги кунини юртимизда олиб борилаётган ишлар ҳақида янги маълумотлар берилади.
13.	Одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилмоқда; ... Бу ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишига, сиёсий партиялар фаолиятининг кескин оширилишига, улар ўртасида рақобат асосидаги курашнинг кучайишига шароит туғдириб бериш алоҳида ўрин тутаяди.	8-синф. <b>Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз?</b>	Юртимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ишлар тушунтирилади.

Изоҳ: Маърузада келтирилган фикрларни мактабдан ташқари таълим муассасаларининг экология, бадий эстетика, техника ва бошқа йўналишдаги машғулотлари мавзуларига ҳам мос ҳолатда сингдириб ўтишни тавсия этамиз.



# ИМКОНИЯТ УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш масалалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу боис, иқтисодиёт тармоқларида халқаро сифат менежменти тизимини жорий этиш масаласига доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги "Республика қорхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 173-сонли қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари бу соҳадаги ишларнинг норматив-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш масаласи мамлакатимиз тадқиқотчиларининг илмий изланишларида ҳам ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази томонидан бу амалга **Anjuman** б о р а д а оширилаётган ишларнинг тадрийжий ри- вожига сифатида "Таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълим муассасалари бош бошқармаси, "SERT MANAGEMENT" компанияси, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази раҳбарияти ва ходимлари қатнашди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Э.Юсупов мавзу юзасидан фикр билдирди.

Жумладан, бугунги кунда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими сифатини оширишда кадрлар истеъмолчиси бўлган вазирлик ва ташкилотлар талаблари асосида узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларини доимий замонавий талаблар асосида қўриб чиқиш, янги авлод ўқув адабиётларини яратиш масалалари муҳокама марказида бўлди. Анжуманда шунингдек, истиқболда талабаларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш, масофадан ўқитиш шакллари кенг ривожлантириш, бу соҳада ҳар бир фаннинг ўқув-услубий мажмуасини яратишнинг замонавий моделини ишлаб чиқишга доир навбатдаги вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда мутахассислар томонидан сифат менежментини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича таълим хизматларини кўрсатувчи "SERT AKADEMIE" компанияси фаолияти асосида таълим муассасасида ISO 9001 тизимини жорий этиш амалиёти таснифланди.

Хулоса сифатида юртимиз узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида, айниқса, олий таълим муассасаларида ISO 9001 тизимининг жорий этилиши таълим сифати ошишига ҳамда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилиши эътироф этилди. Маъруза якунида иштирокчилар қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Юртимиз қадим-қадимдан дунё илм-фани марказларидан бўлиб келган ва ҳозир ҳам улкан илмий салоҳиятига эга. Шу боис таълим тизимида амалга оширилаётган бугунги кенг қамровли ислохотлар кадрлар тайёрлаш сифат самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Хулқар РАЖАБОВА

Ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бу эса бевосита таълим сифатига боғлиқдир. Моҳияти жиҳатидан мутлақо янги бўлган Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели — "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан иборат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва жорий этилиши ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантириш ҳамда уқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборат стратегик мақсадга эришиш учун назарий асос бўлди.

Таълим соҳасидаги дастурларимизнинг ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги нақадар тўғри бўлганлигини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра

янги босқичга кўтариш вазифаси қўйилмоқда.

Тараққиётни таъминлашда илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлиги тан олинган ҳақиқат. Шу сабабли, Юртбошимиз томонидан мамлакатимизнинг келажагини кўзда тутиб, бугунги кунда тараққиёт топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар Академияси ва олий таълим муассасалари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари

ISO ва бошқа шу каби халқаро сертификатлаштириш тизимлари талаблари даражасида ташкил этилган.

ISO атамаси юнон тилида "тенг", "эквивалент" деган маъноларни англатувчи "Isos" сўзи билан оҳангдош бўлиб, инглиз тилидаги "International Organization for Standardization" сўзларининг қисқартмасидир. ISO — жаҳондаги 200га яқин давлатнинг миллий стандартлар институтлари тармоғини қамраб олувчи халқаро стандартлаштириш тизими бўлиб, унинг бош қароргоҳи Женева(Швейцария) шаҳрида жойлашган. ISO халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича энг йирик муассасадир.

## ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР

ёки таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандартлари асосида ташкил этиш истиқболлари



ва натижалар яққол намоён этмоқда.

Президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаб ўтганларидек, «Таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юрталарига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим».

Буларнинг барчаси тузилмавий ўзгаришларни давлат таълим муассасалари ривожланиш динамикаси, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг самарали тартибини жорий қилиш, таълим сифатини назорат қилиш тизимини шакллантиришни талаб этади. Шунингдек, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида молиявий бошқарув, инвестицион фаолият ва маркетинг ишлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига қаратилган. Ислохотларнинг бугунги босқичида таълим тизими фаолиятини сифат жиҳатидан

ўрнатишига эришиш тақлиф этилмоқдаки, бу ҳам олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини янада оширишга, уларнинг амалиёт билан интеграциялашувини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли ёшларимизни бу ишга сафарбар қилиш ва рақобатлантириш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан таъминлаш тақлиф этилмоқда, бу инновацион тараққиётнинг молиявий таъминоти учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур вазифаларнинг ижроси миллий таълим тизимида ҳам маълум бир ўзгаришларни амалга оширишни тақозо қилади. Мамлакат иқтисодиётининг узвий қисми бўлган олий таълим тизими ҳам модернизациялаш, техника янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни таълим тизимида ҳам жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Негаки, айни пайтда хориждаги етакчи олий таълим муассасалари фаолияти

Ҳозирги кунда аксарият давлатларда сифат менежменти тизимини "ISO - 9001" стандартлари талабларига мослигини сертификациялаш жорий этилган. Халқаро миқёсда тан олинган истаган барча қорхона ва муассасалар, жумладан таълим муассасалари учун "ISO - 9001" каби халқаро стандартлар талаблари даражасида сифат менежменти тизимини жорий этиш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан кириб бориш, рақобат кураши афзалликларига эга.

Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш истиқболларини белгилашда сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш меъёрларидан фойдаланиш мумкин.

Олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш учун бир қатор олий таълим муассасаси стандартлари (ОТМС) қабул қилиниши талаб этилади. ОТМС олий таълим муассасаси фаолиятининг илмий, услубий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий фаолиятини тўлиқ қамраб олади ва таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва молиявий бошқаришда ҳуқуқий-меъёрий асос бўлиб хизмат қилади.

"Баркамол авлод йили" давлат дастури доирасида мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этишда ўзига хос чоралар амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасаларининг мазкур сифат сертификати эга бўлиши миллий таълим тизимимизнинг халқаро талаблар даражасида фаолият кўрсатишига, пировард натижада, кадрлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига, келажақ авлоднинг порлоқ истиқболга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

**Муҳаммад Али САИДОВ,**  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор



Мамлакатимизда иқтидорли ёшларга ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор берилаяпти, гамхўрликлар кўрсатилаяпти, истеъдодларини намоён этишлари, ўқиб изланишлари учун кўплаб тadbирлар, танловлар ташкил этилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиб, Тошкент ирригация ва мелiorация институти «Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси» мутхассислиги 2-курс магистранти Ботир Абдурахмонов бундай шароит ва имкониятларнинг қадрига етмасликни увол деб билади. Шу боис у тенгдошларини истиқлол туфайли яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга ундаган ҳолда фанларни тўла ўзлаштиришга интилади. Асосийси, изланувчан йигит республика ва институт миқёсида ўтказилаётган турли илмий-амалий анжуманлар ҳамда маданий-маърифий тadbир ва танловларда фаол қатнашиб келади. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлаша олади. Ҳозир «Оҳангарон дарёси ҳавзаси шароитида сув ресурсларини баҳолаш (Пскент тумани мисолида)» мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

Орзуи — атрофидаги инсонларга муносиб инсон ва касбининг моҳир устаси бўлиш.

Шиори — ҳамиша олға интилиб яшаш ва улуг алломаларнинг ҳикматларига амал қилган ҳолда саъй-ҳаракатда бўлиш.

«НИЯТ УЛУГ  
БЎЛСИН...»

Ботир Пскент туманидаги 5-мактабнинг бошланғич синфида ўқиётганидаёқ барча тушунчаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилар ва ўқитувчиси Мавлуда Бегматова берган сабоқларни жон қулоғи билан тингларди. У опанинг тарбияга, ўғил-қизлар онгига Ватан туйғусини сингдиришга бағишланган дарсларини ҳали-ҳануз эслаб туради. Мавзу — Ватан туйғуси(4-синф). Синф шунга монанд безатилган, кўрғазмали қуроллар — Ўзбекистоннинг давлат байроғи, шунингдек, герби, мадҳияси тасвири ва матни, расмлар, турли хил расмлардан тайёрланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланган суратли альбом, болаларбоп журналлар ўқувчиларга тушунча бериш учун тахт қилиб қўйилган.


Ўқитувчи тарбиявий машғулоти она-юртимиз мадҳиясини ўқувчиларга қўйиб эшиттириш билан бошлади.

Мавзу бўйича ўқувчилар эътиборига «Ватан деганда нимани тушунасиз?», «Ватанпарварлар деб кимларни айтаемиз?», «Байроқдаги ранглар қандай маънони билдираар экан?», «Гербдаги пахта, бугдой, Ҳумо қуши ҳақида нималар дея оласиз?» каби саволлар ҳавола қилинди.

— Ватан деганда биз мустақил Ўзбекистонимизни, унинг ҳудудини — битмас-туганмас бойликларини, шаҳар ва қишлоқларини, қир-адирларни, шарқираб оқаётган сой-

ларини, қорли тоғларини, жумладан, Пскентимизни, қадрдон Янгиобод маҳалламизни ҳам тушунамиз, — деб жавоб берганди Ботир ўшанда.

Муаллима бошқа ўқувчиларнинг ҳам жавобларини эшит-



ўқиши давомида илмий тадқиқотлар олиб бориш жараёнида устоз-мураббийларидан бу каби кўплаб ҳаётий ўғитлар эшитди ва уларга тўла амал қилиб борди.

ИЗЛАНИШ — МАҚСАД

Улуғларнинг айтишича, кимда-ким ilm ostonasiga ezgu va saodatli niyatlar ила қадам қўйса, унинг кейинги фаолияти мазмунли ва файзли кеча-

ди. Ботир олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тaмoмлаб, ўқишини институтнинг магистратура бўлимида давом эттиришга чоғланаётган пайтда онаси Салима опа шундай деди: «Яхши ниятинг йўлдошинг бўлсин, ўғлим! Фақат шун билгинки, ilm йўлидан юриш осон эмас. Бутун куч-қувват ва иродангни ишга солиб, қатъият билан тинмай изланганингдагина касбингни чуқур эгаллайсан, мурудингга етасан».

Аслида ҳам Ботирнинг «Оҳангарон дарёси ҳавзаси шароитида сув ресурсларини баҳолаш (Пскент тумани мисолида)» деб номланган илмий тадқиқот иши сувни тежаш, ундан самарали фойдаланишга бағишланган бўлиб, у қатъият билан иш олиб боришни талаб этади. Қолаверса, мавзу бугунги кун учун ўта долзарбдир. Чунки сув — бутун тириклик, инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши ва маиший тур-

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

муши учун зарур асосий ресурс саналади.

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда чуқур сувни ишлатиш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда, айна пайтда кўп мамлакатларда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган асосий этиёжларини қондириш ва экотизимларнинг барқарорлигини сақлаш учун зарур даражадаги сув таъминотида қийинчиликлар сезилмоқда. Ер ости сувларидан фойдаланишдаги беқарорлик сабабли Ҳиндистондаги 25 фоиз ҳосилнинг тақдирини доим хавф остида турар экан.

Ҳозирда Ботир Абдурахмонов «Чирчиқ — Оҳангарон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли «Оҳангарон — Далварзин» ирригация тизими бошқармаси ва «ЎЗГИП» лойиҳалаш институтида амалиётни ўташ билан биргаликда илмий тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

Оҳангарон дарёси ҳавзасидаги мавжуд сув ресурслари-

шилаш йўлларини қидирмоқда. Айна пайтгача илмий иши мавзуси бўйича 2та мақоласи чоп этилди.

ҲАР ЖАБҲАДА  
ИЛҒОР

Устозлар шаънига қасида жоиз дейишади. Шу маънода Ботир биринчи устози — Тошкент вилояти Пскент тумани 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мавлуда Бегматова, 7-ихтисослаштирилган мактаб информатика ўқитувчиси, синф раҳбари Мираъзам Одилов, институт «Экология ва сув ресурсларини бошқариш» кафедраси доценти Иқболлой Маҳмудова, доцентлар Тамара Аҳмедова, Мадина Холмирзаева ҳамда илм олиш фаолияти мобайнида тўғри йўналиш олишида катта меҳнат қилган Сайдолим Саидходжаев, Гулнора Абдуллаева ва факультет декани Қодир Шовазовни ҳар сафар миннатдорлик билан тилга олади ва улар ҳақида самимий дил сўзларини куйидагича баён этади: «Мен уларнинг, ҳар бир ёшга ўз фарзандлари, яқинлари каби муносабатда бўлишлари, теран фикр юритишлари, кези келганда, қаттиққўллик қилишларини ва биздан тиришқоқликни талаб қилишлари ва катта ҳаёт мактаби учун зарур бўладиган олтиндан қиммат ўғит ва маслаҳатлар беришлари, педагогик маҳоратлари ва албатта, чин инсоний фазилатларини жуда қадрлайман».

Эътиборлиси, Ботир Абдурахмонов мактабдаги устозлари билан тез-тез дийдорлашиб, турли мавзуларда суҳбатлашиб туради. Мулоқотларда устозлар унинг режалари билан ҳам қизиқишади.

— Мактабда ўқиб юрган кезларида физика, информатика фанларини чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қиларди, — дейди синф раҳбари Мираъзам Одилов шогирдининг ўқувчилик ва талабалик даврларини эслаб. — Бунинг устига бадиий китобларни ўқиш, бирор чет тилини ўрганиш жону дили эди. Инглиз тили дарсларини жуда яхши кўрар ва тил ўрганиш билан бирга чет мамлакатлар маданиятига, аҳолисининг яшаш тарзига қизиқар, мактабдан бўш вақтларида кўшимча дарсларга борарди. Умуман, шогирдининг бир неча жабҳада муваффақиятларга эришаётганидан мамнунман.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,  
«Ma'rifat» муҳбири

НИЯТ МАҚСАДГА  
БОШЛАР

АМАЛИЙ ТАЖРИБАЛАР

дарс мазмунини бойитади

Физика — тажрибаларга бой фан. Ушбу фандан олиб борилаётган ҳар бир машғулоти амалий тажрибаларсиз тасаввур этиш қийин. Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Мавжуда Қувноқова ҳам дарсларни ана шундай тажрибалар, турли таълимий ўйинлар, янги педагогик технологиялар асосида ташкил этади.

— Ҳар бир машғулоти бошлашдан аввал керакли жиҳозлар — тарқатма материаллар, расмли плакатлар, кўрғазмали қуроллар, физик асбоблар ва албатта, баҳолаш карточкаларининг тайёрлигига ишонч ҳосил қиламан, дейди М.Қувноқова. — Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш яхши самара беради. Бунда ҳар бир гуруҳ берилган топшириқни бошқа гуруҳдан тез ва сифатли бажаришга ҳаракат қилади. Масалан, карточкаларда ёзилган формулалардаги сўроқ белгилари ўрнига мос ҳарфларни топиб, қайси гуруҳ тез ва аниқ бажарса, **беш бурчакли** (аъло) карточка билан, иккинчи бўлиб ҳал этган гуруҳ **тўрт бурчакли** (яхши), энг сўнги гуруҳ эса **уч бурчакли** (қониқарли) рағбат карточкаси билан тақдирланади.



Mart — fizika, kimyo, biologiya fanlari oyligi

Муаллима ўқувчилар тафаккурини ўстириш мақсадида машғулотларда таълимий ўйинлардан — бинго, эврика, ҳарфлар ўйини, занжир кабилардан унумли фойдаланади. Мактабда ушбу фан ойлиги муносабати билан турли тadbирларни ташкил этишда ҳам М.Қувноқова фаол иштирок этиб кел-

моқда. Унинг фан ойлиги доирасида «Физика дарсларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш» мавзусидаги очик дарси шаҳар миқёсида оммалаштирилди.

Суратда М.Қувноқованинг навбатдаги дарсидан лавҳа акс этган.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ЗАФАРЛАРГА  
КЎМАҚДОШ МАРКАЗ

Кегейли тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабдан ташқари таълим берувчи 10та муассасада, жами 59та тўғарак ташкил қилинган бўлиб, уларга 2213 нафар ўқувчи жалб қилинган. 1-«Биоэкосан» маркази шундай муассасалар ичида энг намуналаридан саналади. Ҳозир ушбу марказда 7та тўғарак фаолият кўрсатаёпти.


Марказ ёшлари атроф-муҳит, экология ва табиат ҳақидаги билим ва тушунчаларини кўпгина кўрик-танловларда синовдан ўтказиб, бу борада қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Масалан, марказнинг ёш табиатшунослардан иборат «Томчи» гуруҳи илк бора 2008 йили Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўтказилган фестивалда фахрли 3-ўринни эгаллаган бўлса, ўтган йили республика «Биоэкосан» марказида ташкил қилинган «Гуллар ва қушлар», «Табиат: кеча, бугун, эртага» анжуманларида ҳам фаол иштирок этдилар. Шунингдек, «Орол» гуруҳи аъзолари «Болалар ва сув» экофестивалида республикада мутлақ ғолибликни эгаллаб, Ўзбекистон миқёсидаги танловда 2-ўринга сазовор бўлишди.

Ушбу мактабдан ташқари таълим муассасасидаги маънавий тadbирлар ёшларни маънан ва жисмонан соғлом этиб тарбиялашга қаратилган.

Ривож ЎТАРБОЕВ

Tasviriy san'at fan oyligida o'quvchilarga boriqni idrok etish, tabiatdagi go'zalliklarni ko'ra bilish va his qilish, san'at asarlari, rassomlar hayoti va ijodiy faoliyati bilan tanishtirish orqali estetik tarbiya berib boriladi...

Tasviriy san'at




bo'lib bajarsa, o'sha guruh rag'batlantiriladi. O'qituvchi: — tarmoqlash usuli orqali milliy hunarmandchilik haqida oz bo'lsa-da tushunchaga ega bo'lib oldingiz.

Mavzu: — Milliy idish-tovoqlardan tuzilgan mavzuli natyurmort ishlash. (5-sinf, III chorak 18—19-dars). Dars maqsadi: o'quvchilarni amaliy san'at turlari bilan tanishtirish...

tasvirlash lozimligini ta'kidlaydi. Buyumlarning umumiy balandligi va eni ish qog'ozida yordamchi chiziqlar bilan belgilab olinadi, keyin buyumning o'lchami, shaklini aniqlashga o'tiladi.

Tashkiliy qism. Salomlashish va davomatni aniqlash, darsga tayyorgarligini tekshirish. O'tgan mavzuni mustahkamlash. O'quvchilarning uy ishtarini tekshirib, 5 balli tizim asosida baholash.

Yangi mavzuni mustahkamlash: O'quvchilarning bilimlarini tekshirish uchun testdan foydalaniladi. 1. Natyurmort so'zi nima ma'noni anglatadi?



Dars tugagandan keyin o'quvchilarga uyga vazifa sifatida akvarel bo'yog'ida bo'yab ishini yakunlaganida yetkazib kelish topshiriladi.

April — Estetik tarbiya fanlari oyligi

Xalq ta'limi vazirligining 2009-yil 9-sentyabrda "Umumta'lim muassasalarida fan oyliklarini o'tkazishni takomillashtirish to'g'risidagi" 252-sonli buyrug'iga binoan aprel oyida estetik yo'nalishlar (musiqi madaniyati, tasviriy san'at, mehnat ta'lim) fan oyligini o'tkazish belgilangan.

Joriy yilning aprel oyida o'tkaziladigan mehnat ta'limi fan oyligi iqtidorli o'quvchilar qobiliyatini aniq maqsad sari yo'naltirish, mehnat ko'nikmalarini egallash jarayonida mehnat, kasb munosabatlarini, yuqori axloqiy sifatlar, mehnatsevarlik, vatanparvarlik, insonparvarlik hamda tadbirkorlikni shakllantirish, shuningdek, iste'dodli, izlanuvchan, ijodkor, fidoyi o'qituvchilarni aniqlash, ularning tajribalarini ommalashtirish, targ'ib qilish, ta'lim-tarbiya jarayonida qo'llanilayotgan zamonaviy metodlarini takomillashtirishni ko'zda tutadi.

Jamg'armasi tashkilotlari bilan yaqindan hamkorlikda o'tkazish maqsadga muvofiq. Quyida 6-sinf o'quvchilari uchun "Kasblar so'zlashuvi" mavzusida tadbir ishlanmasi namunasi berilgan.

Mehnat ta'limi

aniqlangan bo'shliqlar oy davomida to'ldirilib boriladi. O'ning oxirida amalga oshirilgan ish natijalari yana bir bor nazorat ishini o'tkazish orqali aniqlanadi va metodbirlashma yig'ilishlarida muhokama qilinib, kelgusida bajariladigan vazifalar belgilab olinadi. O'ning 2—3-haftasida tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan o'qituvchilar orasida "Eng namunalari fan xonasi", "Eng yaxshi dars ishlanmalari", "Faol, fidokor va tadbirkor o'qituvchi", "O'z fanining ustasi", "Ustoz — hurmatda, shogird — xizmatda", "Ko'rik-tanlovlari o'tkazilasa, umumta'lim maktablarida o'quvchilar o'rtasida 1—4-sinflarda "O'yinchoq'im — ovunchog'im", "Ertak qahramonlari mening do'stlarim", "Jajji tikuvchi va pazanda", "5—9-sinflarda "Kashtachilik sirlari", "Zar ipning zarhal jilosi", "Quroqchilik san'ati", "Mohir qo'llar", "Siz uyingning farishtasi", "Bir yigitga qirq hunar ham oz", "Orasta va pazanda", "Mening kelajakdagi orzuim", "Kasblar olamiga sayohat", "Kasblar festivali", "Kasblarning siri olami", "Kasb bilan hunar egizak-birodara", "Men tanlagan kasbning jamiyatdagi o'rimi" kabi mavzularda tantanali badiiy kechalar, ko'rik-tanlovlar, uchrashuvlar, davra suhbatlarini tashkil etish maqsadga muvofiqdir.

So'zlashuv maqsad va vazifalarini bilib olamiz. Doskamizdagi kasb nomlari haqida suhbatlashamiz. Har bir kasb ta'rif o'quvchi tomonidan ifoda etilishi va u shu kasb egasi va uning faoliyati asosida etgan videolavha yoki fototasvirlar ekranda berilishi mumkin. Kandakor (kandakor-hunarmand) — metallardan yasalgan badiiy buyumlarga o'yib yoki bo'rtiq qilib naqsh ishlovchi hunarmand. O'rta Osiyo shaharlarida metallardan yasalgan buyumlar ishlab chiqarish qadimgi rivojlanib kelayotgan san'at bo'lib, bu san'at o'zining qadimiyliyi bilan kulolchilikdan keyin ikkinchi o'rinda turadi.

"Musiqi madaniyati" o'quv fani o'quvchilarning ma'naviy, badiiy va axloqiy madaniyatini shakllantirishga, ularni milliy g'urur va vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga, ijodiy mahorat, nafosat va badiiy didni o'stirishga, fikr doirasini kengaytirishga, mustaqillik va tashabbuskorlikni rag'batlantirishga xizmat qiladi.

haqidagi qiziqarli ma'lumotlarni berib borish orqali o'quvchilarni fan yangiliklari bilan tanishtirish. O'quvchilarning mustaqil ishlashlari uchun musiqaga oid qiziqarli savollar, boshqotirmalar, rebuslar tuzish, ilg'or ish tajribalaridan unumli foydalanish.


Musiqi madaniyati

5-sinf (IV chorak, 29 dars) Mavzu: "V.A.Motsart, J.Bize, P.Chaykovskiy, N.Rimskiy-Korsakov kabi dunyo tan olgan bastakorlarning operalari". Darsning tarbiyaviy maqsadi: o'quvchilarda musiqaga mehr uyg'otish va estetik his-tuyg'ularini shakllantirish.

o'qituvchi takrorlanib, Sh. Yormatov cholg'ulari guruhiga qaysi cholg'u asboblari kiradi? 12. Litavra, baraban, tarelka simfonik orkestrning qaysi guruhiga kiradi? 13. Simfonik orkestrning torli-kamonli cholg'ulari guruhiga kiruvchi cholg'ularni ayting.



larining ma'naviy-estetik mazmunini his qilish qobiliyatlarini shakllantirish. Dars metodi: hikoya, suhbat, "Klastar", "Test". Dars jihozlari: 5-sinf musiqi darsligi, yillik ish reja, reja-konspetsiya, fortepiano texnik vositalar (Audio SD disk yozuvlari), rag'batlantiruvchi kartochkalar, tarqatma materiallar. Darsning borishi: o'quvchilar sinfga o'qituvchi tanlagan musiqi sadolari ostida kirib kelishadi.



17. Sahnaviy musiqi asarlariga qanday asarlar kiradi? 18. "Balet" deganda nimaning tushunasiz? 19. "Musiqali drama" janri haqida gapirib bering. 20. O'zbek raqs san'atining rivojlanishiga hissa qo'shgan raqqosalaridan kimlarni bilasiz? 21. "Musiqali komediya" janri haqida gapirib bering. 22. Qanday o'zbek baletlarini bilasiz? 23. O'zbek kompozitorlarini ayting. 24. J.Verdi yaratgan operalarni mustahkamlash uchun har bir qatoridagi 10 nafar o'quvchiga savollar tarqatiladi va berilgan 4 daqiqada ichida savollarga to'g'ri javob bergan o'quvchilar quvnoq notachalar bilan rag'batlantiriladi.

# ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚУЛАЙ ВА АФЗАЛ

— Тўлов тизимидаги бу янгиликни татбиқ этишда бироз техник жиҳозланишлар зарурлиги боис айрим мураккабликлар юзага келиши, табиий. Аммо бугун савдо шохобчаларининг зурури талаблар даражасида жиҳозланиши ҳамда савдо маданиятининг кучайиши натижасида пластик карточкалардан фойдаланишнинг ўнғайлиги кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда. Бу тажрибанинг мамлакатимиз банк тизимида олиб қилиниши, албатта, халқимиз манфаатлари билан ҳам муштаракдир.

— Тўғри таъкидладингиз. Барча ривожланган мамлакатларда, савдо, тўлов муомаларида ана шу тажриба кўпдан бери қўлланилади. 2004 йилдан бошлаб юртимиздаги банк тизимида кириб келган пластик карточкаларнинг қулайлигини, афзаллигини эндиликда катта-кичик, ёшу қари бирдай эътироф эта бошлади. Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш, улардан савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида, коммунал ва бошқа тўловлар қабул қилиш жойларида кенг миқёсда фойдаланиш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш давлатимизда амалга оширилаётган банк ислохотларининг бош мақсадларидан ҳисобланади.

Пластик карточка нақд пулга тенглаштирилган восита бўлиб, унда маблағнинг миқдори исталганча бўлиши мумкин, яъни мижоз ўз иш ҳақидан ёки бошқа даромадлардан тушган маблағини ишлатмаса, йиғилиб қолган пул маблағлари банк ҳисобига қўйилган депозит маблағи сифатида қўшимча фоизлар қўшилиб бораверади.

Карточканинг яна бир энг содда қулайликларидан бири шундаки, уни чўнтақда ёки сумкада сақлаш осон, пул ўрами сингари кўп жой эгалламайди. Бундан ташқари ҳисоб-китоб ишларида сотувчи пулни санагандек кўп вақт йўқотмайди. Ҳисоб-китоб ишларининг тийин-тийингача тўлов қоғозидан кўрсатилиши сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам жуда қулайдир. Агар пулни ўғирлатсангиз, уни топиш амри-маҳол. Ма-

## Ривожланган давлатлар тажрибаси шунинг исботламоқда

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси пластик карточкалардан савдо-сотилқ муносабатларида кенг миқёсда фойдаланмоқдаки, кўпчилик аллақачон муомала воситасининг бу турига ўргана бошлади. Жаҳон банк тизимининг амалиётда синаб кўрилган ижобий тажрибаларини қўллаш, аҳоли кенг қатламлари орасида ушбу тўлов воситасининг моҳиятини тарғиб-ташвиқ этиш мақсадларига йўналтирилган ишлар кўлами кенг. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш бошқармаси шўба мудир Дилмурод Юсупжонов билан муҳбиримизнинг суҳбати мамлакатимизда пластик карточкалардан фойдаланиш жараёни, унинг қулай ва афзал жиҳатлари, тартиб-қоидалари хусусида бўлди.

бодо пластик карточкани йўқотсангиз, истеъмоладан чиқариш ва янгисини олиш у қадар кўп муаммо туғдирмайди.

— Пластик карточкаларни кенг жорий қилишда аввало, унинг ҳуқуқий-меъёрий базасини шакллантириш лозим. Давлат аҳамиятига молик қарорларнинг қабул қилиниши хусусида ҳам батафсил тўхталиб ўтсангиз.

— Бу борада қабул қилинаётган қарор ва низомлар ижросини йўлга қўйиш биринчи навбатда мутасадди ташкилотлар зиммасига катта масъулия юкласа, айни пайтда банк пластик карточкаси тизими йўлга қўйилган ташкилот, корхона ва муассасалар ҳам бу ишдан четда қолмайди. Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорда Тошкент шаҳридаги нақд пул тушумлари билан ишловчи барча савдо шохобчаларини тўлов терминаллари билан таъминлаш муддати 2005 йилнинг 1 январь деф кўрсатилган бўлса, вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда бу муддат 1 июлгача қилиб белгиланган эди. Қарордаги яна бир муҳим бандлардан бири Ягона умумреспублика процессинг марказини ташкил этиш билан боғлиқдир. Бу марказ барча савдо шохобчаларида пластик карточкаларнинг қўлланиши билан боғлиқ кўпгина операцияларни ўз назорати олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августда эълон қилинган «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-

китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан ҳам энг муҳим вазифалар белгилаб берилган. Унинг дастлабки бандида қайд қилинадики, 2006 йилнинг 1 октябидан бошлаб, хизмат кўрсатиш корхоналари (тижорат банкларидан ташқари) кўрсатилган хизматларга пластик карточкалар қўлланиб, тўланган ҳажмидан амалдаги ставкага нисбатан 10 фоиз пайсатирилган ҳолатда даромад солиғи ёки яго-

## Dolzarb mavzu

на солиқ тўловини тўлайди. Бундан ташқари, банк пластик карточкаларини ва тўлов терминаллари маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш лозимлиги ҳам ушбу қарорда ўз ифодасини толган бўлиб, айни пайтда фуқароларга тижорат банклари томонидан фойдаланишга берилаётган пластик карточкаларни маҳаллий корхоналаримиз томонидан ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тошкент шаҳридаги тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган карточкалар 1 млн. 450 мингтадан зиёд бўлиб, уларга жами 9,5 мингтага яқин турли савдо, маҳаллий хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминал хизмат кўрсатиб келмоқда.

Президентимизнинг ўтган йили апрель ойида эълон қилинган «Тижорат банклари депозитлари аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бундан аввалги қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбе-

кистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликлари савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари-нинг нафақат ўрнатилишига, балки мажбурий равишда фойдаланилиши устидан ҳам қатъий назорат олиб боришга масъулдир. Марказий банк бошқаруви ва давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлигида тасдиқланган «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олиниши муҳим қадамлардан биридир. Тўрт банддан иборат ушбу низом матнида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари зиммасидаги вазифалар кўрсатиб ўтилган. Ҳар битта терминал ёнида «UZKART» банклараро тўлов тизимининг логотипи ва албатта, ишонч телефонлари бўлиши шарт.

— Банк пластик карточкалари асосида иш ҳақи лойиҳаларининг жорий этилиши ва улардан фойдаланиш тартиби ҳақида ҳам тушунча бериб ўтсангиз.

— Айни вақтда пойтахтимиздаги 13 мингга яқин корхона ва ташкилотлар ўз ходимларига иш ҳақларини тўлашда банк пластик карточкаларидан кенг фойдаланиб келмоқдалар. Бунда банк ва корхона, ташкилотлар ўртасида пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини жорий этиш бўйича шартномалар имзоланади. Иш ҳақи маблағлари корхона раҳбариятининг тўлов топшириқномаси ва тўлов ведомостида асосан,

пластик карточка ҳисобварақлари-га кирим қилинади. Пластик карточка эгаси ҳисоб варағидаги пул маблағларини ўз карточкасига юклаб олишни хизмат кўрсатувчи тижорат банки томонидан ўрнатилган банкоматлар ва махсус терминаллар орқали амалга оширади. Бунда мижоздан пластик карточка паролини билиши талаб этилади. Пластик карточка юзасида унинг эгасига ва хизмат кўрсатувчи банкка тегишли бўлган маълумотлар, яъни мижознинг исми-шарифи, пластик карточка ҳисоб рақами, банк номи ва банк коди акс эттирилган бўлади. Мижоз пластик карточкасига юклаб олган пул маблағлари доирасида ҳисоб-китобларни амалга оширади. Банкоматлар орқали мижозлар нафақат пул маблағларини пластик карточкаларга юклаб олишлари, балки унинг паролини ўзгартиришлари ҳамда ундан қачон ва қанча суммада тўловлар амалга оширилганини билишлари мумкин. Банк пластик карточкаларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига ойдинлашди. Тижорат банки масъул ходимлари томонидан қайси корхона ва ташкилот бўлишидан қатъий назар, пластик карточка эгаларига улардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда корхона ва ташкилотлар ҳузурида, ишчи ва ходимлар иштирокида семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Бундан ташқари, мижозлар карточкадан фойдаланиш жараёнида юзага келмаётган саволлар бўйича пластик карточка эмитенти бўлган тижорат банкларига мурожаат қилишлари мумкин.

— Пластик карточка йўқотиб қўйилган ҳолларда қандай йўл тутилади?

— Бундай ҳолларда мижоз томонидан паспорт маълумотлари кўрсатилган ҳолда хизмат кўрсатувчи банкка ариза тақдим этади. Тегишли банк эса мижоз билан тузилган шартномада белгиланган тартибда, унга янги пластик карточкани расмийлаштириб беради.

Хулқар ТҲЙМАНОВА  
суҳбатлашди.

## Танловда иштирок учун таклифнома

E'lon

**Танлов номи:** Махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур танловда қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотларни махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш бўйича танловга таклиф этади.

**Молиялаштириш:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Танлов «Бир босқичли — бир конвертли» рақобат таклифларини танлаш тартиби асосида ўтказилади.

Танловда давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой муддатдан кам бўлмаган, қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган, суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида турмаган, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия)га эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажара олган корхоналар қатнашиш ҳуқуқига эга.

**Ёрдамчи мактаблар ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар рўйхати**

Т/р	Дарслик номи	Муаллиф Ф.И.Ш.	Синфи	Таълим тили	Нусхаси	Йўналиши
1.	Табиатшунослик	Ф.Назарова	5	ўзб.	2034	ёрдамчи мактаблар учун
2.	Табиатшунослик	Ф.Назарова	7	ўзб.	1735	ёрдамчи мактаблар учун
3.	Природоведение	Ф.Назарова	5	рус	237	ёрдамчи мактаблар учун
4.	Рабочая тетрадь по математике	Ф.Музаффарова	1	рус	374	ёрдамчи мактаблар учун

5.	Ручной труд	М.Хамидова ва б.	1—2	рус	268	ёрдамчи мактаблар учун
6.	Ручной труд	Г.Дроздова ва б.	3—4	рус	407	ёрдамчи мактаблар учун
7.	Математика	А.Ахатов ва б.	7	рус	541	ёрдамчи мактаблар учун
8.	Математика	А.Ахатов ва б.	8	рус	505	ёрдамчи мактаблар учун
9.	Математика	А.Ахатов ва б.	9	рус	495	ёрдамчи мактаблар учун

Танлов ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси АТИБ Ипотека банки Меҳнат бўлимидаги № 20203000100101044002 ҳисоб рақамига 500 000 (беш юз минг) сўм ўтказганликларини тасдиқловчи ҳужжат беришлари шарт. (МФО: 00423 ва СТИР: 201122808). Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Танлов талабларини олиш учун иштирокчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

Танловда қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар 2010 йил 27 мартдан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00дан 17:00гача танловга тегишли қўшимча маълумотларни Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан олишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳар 100078, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон: (+998 71) 239-14-01, 239-40-81 Факс: (+998 71) 239-40-83.

Барча таклифлар 2010 йил 27 апрель соат 14:30га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари Халқ таълими вазирлиги биноси, 2010 йил 27 апрель соат 15:00да барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.



Табиат — сеҳрли бир дунё. Кўз ўнгингизда ке- чагина совуқдан дилдираб турган дарахт шохла- ри бугун ям-яшил либосга, оппоқ, пушти гуллар- га бурканади-ю, бу ўзгаришларни кузатиб улгуролмай ақлингиз шошади. Ҳар гунчанинг, ҳар япроқнинг шиварида қиёссиз гўзаллик жо! Унга боқиб қалбингиздаги губорларнинг гардларини юв- гандай бўласиз. Ҳориган вужудингиз ором олади баҳорий тароватлардан. Агар бу яшаришларга оз- гина улуш кўша олсангиз борми, унда сиз учун қув- ватга айланади табиатнинг мўъжизалари. Ҳа, ку- закда кесиб ташланган атиргул шохларидан қаламчалар тайёрлаб, қиялатганча кўмиб чиқсан- гиз, эрта баҳорда ана шу қаламчалар аввал кур- так, сўнгра япроқ ёзиб кўнглингизни завқларга тўлдирди. Гунча тугиб, ранго-ранг гуллар очил- ганида эса у нафақат сизни, балки нигоҳи туш- ган ҳар бир дилни қувнатиб, меҳнатингиз ҳиммат- ларга уланади.

Ҳа, она заминимизнинг таф- ти ана шундай иссиқ. Унга тушган ҳар уруғ, ўтказилган ҳар кўчат униб-ўсиб, юртнинг хуснига хусн кўшаверади. На- сибага, эл маъмурчилигига хизмат қилади. Диёримизда

малҳамлардандир. Бундай дамламалар билан тиш ва томоқ оғриганда оғизни чай- қаш, баргини майдалаган ҳолда узум сиркасига кўшиб, сўгалларни кетказиш мумкин. Кўриниб турибдики, табиат-

да табиий ҳолда учрамаслиги боис, махсус экиб ўстирила- ди.

Ўсимликнинг майда баргла- ри ўзига хос хуш бўй таратиб, улардан доривор моддаларни олишда ишлатиладиган, тиб- биётда қимматли ҳисобланув- чи эфир мойи олинади.

Халқ табобатида розмарин- дан ошқозон-ичак, жигар, юрак ва бош оғриги касаллик- ларини даволаш, қон айлани- шини яхшилашда фойдалани- лган. Гуллари оқ, оч кўк бўлиб, чор-атрофга нафис ифор таратиб туради.

Тиббиёт соҳасидаги илмий изланишлар роз- мариннинг янгидан- янги хусусиятларини кашф этмоқда. Яъни унинг майдаланган барглари асаб тизими- даги хуружларни бар- тараф этиш, қон босими- ни туширишда самарали натижа бериши тажрибалар- да ўз тасдиғини топди.

моддаларни сақлайди. Ун- даги эфир мойининг тар- кибий қисми муҳим бирикма- ларга бой бўлиб, унда 50 фо- изгача линалилацетат, вале- рин альдегиди, кумарин, ли- монен, валерьяна кислотаси мавжуд. Лавандадан пардоз- андоз воситалари, упа-элик ишлаб чиқаришда ҳам фойда- ланилади.

Халқ табобатида мазкур

## Qarasang, bog' unar!



димланганда унинг аралашма- сига алоҳида эътибор қарати- лади.

Лавандани юмшоқ тупроқ- ли, қуёш нури яхши тушади- ган дала ҳовлиларида бемалол етиштириш мумкин. У уруғи ва қаламчасидан кўпайтири- либ, яхши ривожланиши учун биринчи йили гуллари қир- қиб олинади.

## ШАЛФЕЙ— МАРМАРАК

Лабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик чала бутасимон ўсимлик сан- налган шалфей табиий шароитда ўрта ер ден- гизи, Болқон ярим оро- ли, Кичик Осиёда уч- райди. Ҳозирги кунда унинг шифобахш хусуси- ятлари инobatга олиниб Европа, Канада, АҚШ, Ук- раинанинг жанубий ҳудудла- рида маҳаллийлаштирилиб кўпайтирилмоқда.

Доривор шалфей замона- вий тиббиёт ва халқ табобати- да бир қатор хасталикларни даволашда кенг қўлланиб ке- линади. Жумладан, ўткир ан- гина, сурункали тонзиллит, стоматит, гингивитда унинг дам- ламаси билан фарғара қилиш, йирингли яралар, қуйган жой- ларни ювиш қутилган натижа- ни беради. Шунингдек, ўсим- ликнинг таркибида кўп миқ-



# ЯШИЛ ОЛАМ СИРЛАРИ

яна шундай ўт-ўланлар бор- ки, улар алоҳида меҳнат ва эътибор ҳам талаб этмайин ҳар баҳор қир-адирлару, ариқ бўйларида, кенг яйловлару ҳовлимиз этакларида бўй чўза- веради. Донишманд халқимиз улардаги хусусиятларни азал- дан қадрлаб, турли дардлар- га малҳам сифатида қўллаб келган. Улардан баҳорий та- омлар пишириб, дастурхонла- рини безашган. Исмамоқ, жағ- жағ, яллиз сингари шифобахш неъматлардан тайёрланувчи чучвараю сомсалар ҳамон се- виб истеъмол қилинади. Ай- тиш мумкинки, кўпчилигимиз уларнинг масаллиқ эканиниги- на биламиз. Лекин тиббиёт биргина исмамоқнинг тарки- бида темир, йод, фосфор, калий, кальций, магний синга- ри моддалар жамлигини ал- лақачон исботлаган. Халқ та- бобатида ундан тайёрланган дамлама камқонлик, томоқ, ўпка ва асаб касалликларига даво саналади. Шу боис ҳам мутахассислар уни хўжалик- ларда кўпайтириш масаласи- ни кун тартибига қўйишган. Яна бир гап, исмамоқдан тай- ёрланган таомларни фақат музлаткичлардагина сақлаш мумкин. Чунки иссиқ унинг таркибида захарли моддалар пайдо бўлишига шароит яра- тади. Шундай экан, биз за- минимиз тухфалари хусу- сида илмий маълумот- ларга ҳам эга бўлмоғи- миз шарт.


Баҳор ўлкамизга ташриф буюриши бил- ан йўлу йўлкаларимиз бўйларида ҳеч қандай хизматимизни талаб эт- майин япроқ ёзиб, сап- сариқ сават мисол гуллари билан қаршимиздан пешвоз чиқувчи момақаймоқ (қоқи- гул, гулқоқи)лар хусусида ни- маларни биламиз? Худди ана шу ўсимлик овқат ҳазм қилиш органларининг фаолиятини тезлаштирувчи восита сифа- тида, илдизи ва баргидан тай- ёрланган дамламалар эса бўй- рақ касаллигини даволашда, сурги дори, сафро ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Шунингдек, илдизидан тайёр- ланган дамлама жигар шамол- лаши, ўт пуфаги ва меъда ял- лиғланишини даф этувчи

нинг — ўзи табиб! Фақат у билан тиллаша олгувчи илм даркор бизга.

Ўзбекистон Фанлар акаде- мияси «Ботаника» илмий иш- лаб чиқариш марказининг Тиб- биёт ботаникаси лаборато- риясида ана шундай табиат инъомларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва оммага етказиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

— **Айни кунда лабораториямизда уч юзга яқин доривор ўсимликларнинг коллекцияси мавжуд, — дейди кичик илмий ходим Феруза Дўстмуродова. — Лабораториямиздаги доривор ўсимликларнинг кўпчилиги мамлакатимиз ҳудудида учрамаслиги боис, уларни маҳаллий шароитимизга мослаштириш, фармацевтика саноатига зарурий бўлган хомашёни етказиб бериш ходимларимизнинг асосий вазифалари сира- сига киради.**

**Биз қуйида ана шундай ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган, ҳам гулу ҳам гиёҳ сифатида яшил оламнинг мўъжизаларидан саналган айрим доривор ўсимликлар хусусида тўхталиб ўтмоқчи- миз.**



## ДОРИВОР РОЗМАРИН

Ватани Ўрта ер денгизи ҳисобланиб, ёввойи ҳолда жанубий Европанинг баъзи ҳудудларида учровчи мазкур ўсимликнинг доривор хусуси- ятлари азалдан қадимги Гре- цияда маълум бўлган ва турли хасталикларни бартараф этишда самарали қўлланган. У кўп йиллик буталар сирасига кириб, ҳозирги пайтда табиат-

Розмариннинг хушбўй я- проқлари қандолатчиликда ҳам кенг қўлланилади. Пазандачи- ликда фойдаланиш режалаш- тирилганда эса ўсимлик тана- сининг юқори қисмидаги янги барглари териб олиниб, мўътадил об-ҳавода қуритили- ши керак. Ундан турли таом- лар тайёрланганда қўшимча зиравор сифатида фойдала- ниш мумкин. Лотин тилида «денгиз шудринги» (шабнами) дея номлангучи бу ажиб гиёҳ ўсиб-униши учун махсус ша- роит, ишлов талаб этилмайди, аксинча ортиқча эътибор унга зарар етказиши кузатилган. Кучли совуқ бўлмайдиган ҳудудларда уни бемалол да- лада ўстириш мумкин.

Агар сиз бу доривор ўсим- ликни кўпайтириб, парвариш- ламоқчи бўлсангиз, яхшиси қаламчасидан фойдаланганим- гиз маъқул. Чунки унинг уру- гидан экиш ҳар доим ҳам яхши натижа беравермайди. Шу- нингдек, қаламчасидан кўпай- тирилганда она ўсимликдаги барча сифатлар сақлана бора- ди. Қаламча дастлаб сувга солиб қўйиб, томирлатилади ва қуёш яхши тушадиган унумдор тупроққа ўтказилади.

## ДОРИВОР ПАВАНДА

Қарангки, кўп йиллик хушбўй ўсимликлар ора- сида алоҳида ажралиб турувчи бу шифобахш неъмат ўсганда ҳам гўёки бир-бирига қўл бериб, ажойиб шакл — ингичка пўкак ҳосил қилар экан. Унинг поя- лари тўғри, барглари чизикли ва четлари сал қайрилган. Бутасининг узунлиги 50—60 сантиметр- га етади. Ўз юртини ниҳоятда сеувучи лаванда ҳамон Ўрта ер денгизининг соҳилу қир- қоқларида ёввойи ҳолда ўз- ўзидан кўпайиб яшаб келмоқ- да. Шунингдек, Ҳиндистонда ҳам табиий кўринишда учрай- ди. Унинг ҳаворанг гулларга бурканиши ёз ойларига тўғри келади. Шу гуллар унга ўткир нордон таъм улашади.

Мутахассисларнинг фикри- ча, лаванда табиий ҳолича ўзида 2 фоизгача эфир мойла- ри (кўпроқ қисми гулларида), 12 фоизгача тери ошловчи

ўсимлик гулларининг қайнат- маси тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ошқозоннинг кис- лота ишлаб чиқаришини меъ- ёрида тутувчи, иштаҳани очувчи, қон босимини туши- риб, сафро ҳайдовчи воси- та сифатида кенг қўлла- ниб келинади. Лаванда- нинг мойи спирт билан аралаштирилиб ишла- тилганда қаттиқ бош оғриши, кучли юрак уриши, асабийла- шиш, ревматизмнинг ўткир хуружларини бартараф этиши ис- ботланган. Япроқла- ри қуритилиб, шифо- бахш чой сифатида ис- теъмол қилинади. Тарки- бида гален элементи мав- жудлиги боис фармацевтика саноатида турли дори-дар- монлар ишлаб чиқариш жара- ёнида фойдаланилади.

Қадимги римликлар бу ги- ёҳдан овқатланиш олдидан қўлларини ювувчи хушбўй сув тайёрлашган. Лотинчада «ювинмоқ» маъносини берув- чи ўсимлик дастлаб Ўрта ер денгизидан Европа давлатла- рига, сўнг шимолий ва жану- бий Африка, Осиёнинг иссиқ тоғли ҳудудлари, Америка ва Австралияга «етиб бориб», ни- ҳоят бизнинг диёримизга ҳам «ташриф буюрди». Ўрта аср- ларданок унинг доривор хусу- сиятлари маълум бўлиб, ҳар қандай оғриқда «биринчи ёрдам» сифатида қуритиб, сақ- лаб қўйилган. Айни пайтда у турли матоларни куя тушиши- дан асровчи восита бўлгани боис қуритилиб, халтачаларда сандиқ, жавонларга солиб қўйилган.

Италия, Франция, Испания сингари давлатларнинг ошхо- наларида лаванда таомларга хушбўй ва мазали таъм ула- шувчи зираворлар қаторида қадрланади. Айниқса, гўшт, балиқ, сабзавот маҳсулотлари



дорда эфир мойлари, ошлов- чи моддалар, никотин кисло- таси, Р витамин, крахмал ва микробларни ўлдирувчи фи- тоцидлар мавжуд. Илмий изла- нишлар шалфейнинг тинчлан- тирувчи, балғам кўчирувчи, қон тўхтатувчи, сафро ҳайдовчи сингари ижобий хусусиятла- рини ҳам аниқлаган.

Уруғидан мармарак дала шароитида етмиш-саксон фо- изгача яхши униб чиқади. Уруғ апрель—май ойларида сепи- либ, етарлича намгарчилик таъминланса, 15—20 кунда бўй кўрсатади. Сентябрь ойи- да 20—25 сантиметргача етган ўсимликнинг барглари йиғиб олиш учун тайёр ҳисобланади. Шалфей гуллаганда хуш бўй таратиб, жамики ҳашаротлар- ни ўзига жалб этади.

Россия, Украина, Беларусь каби давлатларда шалфей- нинг янги ва қуритилган я- проқларидан турли салат ва консервалар, колбаса ва пиш- лоқ тайёрлашда фойдалани- лади. Ундаги эфир мойи тиш ювиш воситаларига хушбўй хид бахш этиб туради.

\*\*\*

**Муҳтарам газетхон, биз маҳаллий шароитимизга иқлимлаштирилаётган доривор ўсимликларнинг бир нечаси хусусида тўхталдик, холос. Мутахассислар уларни дала ҳовлиларида ўстириб парваришлаш, фойдаланиш мумкинлигини қайд этиб ўтишди. Яшил олам сирларидан воқиф бўла бориш эса соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, қолаверса, ўзимиз ва оила аъзоларимизнинг саломатликларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.



Хар бир нашрнинг суянадиган шундай жонкуяр, куюнчак муаллифлари бор. Улар орасида ёш қаламкашлар, айниқса, кўп. Шулардан бири ҳозир Пекин Марказий миллатлар университетидан хитой тилидан билимини ошираётган Фароғат Жабборовадир. Бу истеъдодли ёш адиба Хитойга кетишидан олдин бу буюк мамлакат янгиликлари, у юртнинг гаройиб байрамла-

ри, юз бераётган ибратли воқеалар ҳақида тез-тез ёзиб туражанини айтганди. Фароғат аҳдига биноан дастлабки ёзганларини «Ma'rifat»га йўллабди. Куйида ана шу мақолалар билан танишасиз.

**Biz dunyoni tanimoqdamiz**

Махмуд САЪДИЙ

**Pekindan xat**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИ  
ЎРНАТЎВЧИ  
ХИТОНЛИ ТАЛАБАЛАРИ**

Бир гапни кўп такрорлашни, яхшими-ёмонми, ўтган воқеани эслашни ёқтирмайман. Лекин анча вақт ўтган бўлса ҳам битта гап хануз қулогимда жаранглайди: «Си-ир-ганг-из бун-ча ши-ройлий». Шу гапни такрорлашдан, ўша воқеани эслашдан ҳеч чарчамайман.

Бир ойча аввал университетнинг чет эл талабалари билан хитой талабалари дўстлик учрашуви тадбирига таклифнома беришди. Бироз кейин, Гулбонуму кўнғироқ қилиб тадбирда мен ўзбек талабалари номидан чиқиб ашула айтишим лозимлигини айтди. Гулбонуму менинг яқин дугонам. Асли уйғур, Пекинда катта бўлган. Ҳозир Пекиндаги Марказий миллатлар университетида рус ва ўзбек тилларидан дарс беради.

Тадбирда ўзбекча ашула айтдим. Назаримда, кўшиқни ёмон айтмадим. Залда энг чиройли чиқиш қилган ҳам ўзбек қизи — (мақтанишга йўйманг-у) камина бўлибди...

Саҳнадан тушиб, ўзимнинг жойим — биринчи қаторга, Гулбонумунинг ёнига келиб ўтирсам, орқамдан кимдир безор тўртгандек бўлди. Қорачадан келган, кўзойнакли, кўзи қисик, кичкинагина қиз жилмайиб «Си-ир-ганг-из бун-ча ши-ройлий», — деди. Гарчи қизча сўзларни бўғинлаб, қийналиб гапирса-да, мен уни аниқ эшитдим. Дарров Гулбонумуга юзланиб, «Сенинг ўқувчингми?», — дедим. «Ҳа, орқамиздаги қатордагиларнинг барчаси менинг ўқувчиларим», — деди у қизчанинг юзидан чимчилаб. Қаранг-а, мен хитой тилини ўргана бошлаганимда «сирга» деган сўзни учинчи семестрда ўрганганман. Бу қизалоқнинг ўзбек тилини ўргана бошлаганига энди 3 ой бўлди. Юрагим ҳаприқиб, қизалоқни бағримга босгим келди. Ўшанда ёнимда ўтирган дугонам янада қадрдондек кўриниб кетди.

Нега ёнимдагина юрган хазинани олдин сезмаган эканман-а?! Баъзан Гулбонумунинг уйига борсам, кечкурунлари тунчиноқ олдидан ўзидан катта китобларни ўқиб, ўзбек тилида нималарнидир шивирлаб такрорлашдан қулгим қистарди. Ярим тунда уйғониб кетсам, яна ўз-ўзига «иккови, учови, тўртови, бешови, олтови... Манга қара, «олтови» деган сўзни қўлласа бўладими?», — деб сўрайди мендан. Қайдаги одамнинг хаёлига келмайдиган саволларни беради.

— «Олтала», «еттала» деб бўладими, — дейди яна. Она тилим мени кечирсин-у, мен

ростданам буларнинг фарқи унча бормайман. «Саккизала» бўлмаслиги аниқ, «еттала» билан «олтала»ни эшитмаган эканман. Унга аниқ жавоб беришдан кўрқиб:

— Бунақасини эшитмаганман, — десам, у кулиб-кулиб, яна оғир-оғир китобларни очиб нималарнидир қидира бошлади. Аслида у кам кулади, лекин чиройли ҳазиллаша олади. Бир куни уйқутираб унга «Соат неча бўлди?», дейиш ўрнига «Соат неча юан бўлди?», — деб юборибман. У эса, соатига қараб пинагини бузмай:

— 7 юану, 16 мао бўлибди, — дейди.

Сиз унга ўзингиз тушунмайдиган нарсалар ҳақида мингирлаб гапирсангиз ҳам, унинг сизга шундай аниқ ва грамматик жиҳатдан тўғри жавоби тайёр туради.

Гулбонуму талабаларига икки соатгина Ўзбекистон ҳақида гапириб беришимни кўпдан бери айтиб юрди. Мен ҳам бунга кам тайёргарлик кўрмадим. Ҳар куни интернетдан Ўзбекистоннинг энг чиройли жойлари, бугунги Тошкент киёфаси, чиройли ўзбек қизлари-ю, ўзбек миллий таомлари, адрес-атласлар суратларига олиб, ҳақиқий ўқитувчилардек дарсга тайёрландим. Мен атлас қўйлақда синфхонага кириб борганимда уларга биринчи айтган гапим «Кечирасизлар, кечикиб қолдим», — бўлди. Бу ҳам бир ўзбекчиликда. (Хавотир олманг, буни уларга айтмадим.)

Дарсни юртимиз тарихидан бошладим. Ўқувчилар мониторингига Шарқ юлдузи — Самарқандни кўришганда кўзларида катта ҳайратни сездим. Дарс охирида талабалар ҳақиқий ўзбек тилида саволлар беришди. Мен ҳам уларга ўзбек тилида, ҳали ўрганмаган сўзларини хитойча сўзларда тушунтиришга интилдим. Айрим саволларга Ўзбекистонда икки йил ўқиган Гулбонуму жавоб берди. Дарсга келишдан олдин дилимга ҳар бир ўқувчида Ўзбекистонга боришга иштиёқ туйғусини уйғотиш ниятини тукқандим. Ишончим комилки, ниятимга эришдим. Уларнинг она тилимизни ўрганишдаги муваффақиятлари ҳақида тез-тез Ўзбекистон газеталарига хабар бериб туриш ниятимни айтдим.

Дарс тугаб, нарсаларимни йиғштириб кетаётиб рўпамда, биринчи партада ўтирган қорача, кўзи қисик, кўзойнакли қизга кўзим тушди. Жуда яқин ўтириб қолганига эътибор бермабман. Уни кўриб негадир юрагим яна энтиқиб кетди...

Янги ой чиққанига беш кун бўлди. Хитойга Чунжие — Янги йил келганига ҳам роппа-роса беш кун бўлди. Байрам руҳи кундан кунга кучайиб борапти. Мабодо айнан шу кунлари Хитойга йўлингиз тушган бўлса, сиз энг гаройиб Хитойни, энг меҳрибон хитойликларни кўрасиз. Шаҳар чироқлари ҳар доимгидан ёрқинроқ порлайди. Ресторанларда официантлар сизни куттириб қўймайди, мева-чевага бозорга чиқсангиз, сотувчи Чунжие ҳаққига оғирроқ қилиб беради, «захар» кўшнингиз, негадир, сизга ширинлик илингиси келиб

таниш чехраларни тополмайсиз. Уларни сўрасангиз, байрамни оила даврасида ўтказиш учун ўз шаҳар-қишлоқларига кетган бўлади. Кечкурун чироқлар янада чиройли, бетакрор тусга кирди. Хонангиз эшигига тескари қилиб «фу» (бойлик маъносида) иероглифини ёпиштириб кетишади. Нима экан деб қизиқиб тортиб кўрмоқчи бўлсангиз, дугонангиз қишлоғига кетишидан аввал сизни ўйлаб: «Шу бечораям Янги йилда пулсиз қолмасин», деб ёпиштириб кетган бўлади. Ҳамма хитойликлар Янги йилда эшигига шу иероглифни

бошланади. Ўша куни ҳар бир оилада, албатта, «жиао зи» (чучвара) пиширилади. Бундай пайтда ҳамма ўз оиласи даврасида бўлади.

Мен эса ишдан энди қайтиб келаётган бўламан. Кўчада мендан бошқа ҳеч ким қолмайди. Сиз бутун бошли Хитой шаҳрида битта ўзингиз юришни тасаввур қиласизми? Эслаб қолинг, бу фақатгина Чунжияда бўлади. На тушлик, на кечки овқат егандим. Аксига олиб биронта очиқ ошхона ёки дўкон йўқ. Ресторан бўлса ҳам майли эди, ўзимга Чунжияда байрам уюшти-

**ЧУНЖИЕ — ЯНГУЙИЛ**

қолади. Чунжияда ҳатто чет эллик сайёҳлар ҳам чўнтагидан нимадир чиқариб ўзгаларга ёрдам бергиси келади. Чунжиенинг уларга нима дахли бор дерсиз? Ахир, бу ерни Хитой дейишган! У сизга ҳеч қачон тақлид қилмайди, аммо сизни ҳақиқий хитойликка айлантирмагунча кўнгли жойига тушмайди. «Янги йилда уйингга қайтасанми?» — дейишади осмондан тушгандек. «Бизда Янги йил бир ой олдин эди», — десангиз, «Вой, аттанг, Янги йилни битта ўзинг кутаркансан-да», дейишади гапингизни эшитмасдан. Шундан кейин беихтиёр байрамни ёлғиз кутаятган ўзингизга раҳмингиз кела бошлади. Сезганмисиз, Хитойда атиги бир ҳафта яшаганлар ҳам чойхўр бўлиб қоладилар (мен айнан кўк чойни назарда тутаяпман). Йўқ, дейсизми? Унда буни доим қопқора чой ичадиган туркияликлардан сўранг!

Хуллас, Чунжие келганини биз қаердан биламиз? Болалардан! Яхши хабарни доим биринчи бўлиб болалар етказди. Худди биздаги «Бойчегагим бойланди...»га ўхшаб. Фақат ҳозир сал замонавий кўриниш: бурчак-бурчакларда йиғилар олган болалар йўловчиларга қаратиб пақилдоқ отишади. Боғчадан қайтаётган болалар кўлида ялтироқ нималардир бўлади: совға халтачаси ёки байрамда тақиладиган тақинчоқлар. Шундай қилиб юртга элдан бурун байрам болаларнинг жажжи юраклари орқали кириб келади.

Очиқ дўконлар кундан кунга камая бошлади. Олдин кирган дўконларингиздаги

ёпиштириб, бойиб кетаётган бир пайтда, сиз ҳам камбағал бўлиб қолишдан кўрқиб уни яхшироқ ёпиштириб қўясиз. Негадир, ҳамма сизни меҳмон қилгиси келиб қолади, ҳар хил байрамларга бепул чипталар кела бошлади. Телевизорда 46 канал бўлса, барчасида бир хил гап: «Син ниан куаи ле!» (Янги йилингиз муборак бўлсин!). Метродаги экранларда эса, Чунжияда уйни қандай тозалашни ва қайси тозалаш воситасидан фойдаланишни маслаҳат беришади. Баъзибир бекатларда катта-кичик «йўлбарс»лар болаларга совға улашаётганига кўзингиз тушади. Чунжиени инсонийлик туйғуларини янада оширувчи байрам, десак ҳам бўлади. Хитойга йўлбарс йили ҳақиқатан ҳам омадли кириб келди!

Олимпия стадиони — «Куш ошиёни» эски йилнинг охиригича кунгача болалар ва сайёҳларга хизмат қилди. «Куш ошиёни» ичини қор билан тўлдириб, қордан ҳақиқий тоғ ва ҳайвонлар шакллари ясадилар, болалар эса қийқиришиб чанги учишди, баъзилари тоғ ёнбағридаги кичик уйчага кириб суюқ шоколаддан ўз қўллари билан хоҳлаган шакллари ясадилар.

Эски йилнинг охиригича кунгача овози янада кучая бошлади. Хитойда қадимдан машҳур афсонага кўра, ёвуз жинлар одамларнинг йил бўйи ейдиган ризқ-насибасини еб қўйишади. Хитойликлар эса уларни пақилдоқлар билан кўрқитиб ҳайдашади. Шундай қилиб, Хитойда Йилбоши жинларни ҳайдаш ва ризқ-барокат топиш билан

рардим. Излай-излай, охири 24 соат узлуксиз ишлайдиган дўкон топиб, иккита сандвич ва битта қола билан уйга кирдим. Шаҳарда тинмай отилаётган мушакларни томоша қилиш учун айвон эшигини очиб кўйдим. Соат роппа-роса 12 бўлди-ю, нимадир юз берди! Бу гўзалликни сизга 10 йилдан кейин, сал тузукроқ ёзадиган бўлганимда ҳам, тушунтириб беролмасам керак. Келинг, яхшиси, имошора билан тушунтира қолай. Тушундингизми? Нимани тушундингиз?! Ҳаммаёқ бирдан ёришдию, Пекин ҳушидан кетди! Ана энди ҳақиқий мушакбозлик бошланди. 16-қаватда туриб 5 соат деразангизга бир хил урилиб, тинмай отилаётган мушакларни томоша қилганмисиз? Бу гўзалликни қайта кўриш учун яна бир йил Чунжиени кутаман, деб ўйлагандим. Бироқ мушаклар эртасига ҳам, индинига ҳам тинмай отилди. Бундай чиройли кунларда кампирларни «Магдоналдс»дан, чолларни энг қиммат ресторанлардан топасиз. Ёшлар эса доимгидек халқ хизматида, инсон хаёлига келмайдиган мушакларни ихтиро қилиш билан овора!

— Бу мушакбозликлар қачон тугайди? — деб сўрадим кўшнимдан.

— Байрам тугагунча шундай бўлади. Сизга шовқин ёқмайдами? — деб жилмаяди тили захаргина кўшним.

— Йўқ, аксинча, мен уларнинг тугаб қолишидан кўрқаяпман...

Байрам эса яна ўн кун давом этади! Чунжие муборак бўлсин!

Фароғат ЖАББОРОВА

2010 йил, 18 февраль.

## «КҮРИНМАС ЁПИНЧИҚ» ЯРАТИЛДИ

Бир гуруҳ олимлар узунлиги ёруғлик тўлқини диапазонида тенг уч ўлчамли жисми кўринмас ҳолатга тушира оладиган бирикма яратишга муваффақ бўлдилар, деб ёзади «Сайнс» манбаси.

Унинг номи метаматериал бўлиб, тузилиши электромагнит тўлқинлари синишининг манфий коэффицентига асосланади. Структурасидаги 100—200 микрон катталиқдаги полимер блокларнинг каркас шаклида жойлашуви бир текис юзада ётган ярим микрон қалинликдаги объектни кўринмас қилиб қўяди. Аммо жисмларга инфрақизил диапазонда кўринмаслик ҳолатини бериб, уларни кузатувчидан яшира оладиган материал кўринувчи диапазонда ушбу хусусиятини йўқотади. Бунинг учун унинг таркиби 10 нанометр катталиқдаги полимер бўлакларидан ташкил топиши керак. Бугунги кунда бундай митти қурилмани ясаш техник жиҳатдан ниҳоятда

мураккаб жараён ҳисобланади. «Шунинг учун ҳам мазкур технология устидаги такомиллаштириш ишлари давом эттирилади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу кашфиёт амалиётда қўлланиладиган кўринмас материалларни яратиш йўлидаги муҳим қадамга айланди», — дейди тадқиқотчилар вакили.

Илгари ҳам шунга ўхшаш қурилма яратилганди. Фарқли томони, у орқали икки ўлчамли текисликда турган инсон кўзидан тепаликни «яшириш» имкони яратилган бўлса-да, кузатувчи зинапоядан кўтарилиш билан беркитилган худудни топиб олиши мумкин эди.

Янги «кўринмас ёпинчиқ» эса объектларни уч ўлчамли тизимда 0—60 градус бурчак ораллиғида кузатувдан яшира олади.


Шу ўринда унинг яратилиш технологиясига ҳам бироз тўхталиб ўтсак. Тажриба давомида, полимер қатламлари ойна тагликка бириктирилди ва

ҳар бирига лазер билан ишлов берилди. Лазер нури тушган қисмлар қотиб пишиқлашиб, таёқчалар тўпламини эслатадиган кўринишга келди. Нур темаган жойлар эса тўкилиб тушди. Юзасига 150 нм. қалинликдаги ва 1 микрометрлик тешиги бор олтин қатлами ётқизилди.

Ана шу тешикка тўғри ёки 30 градусга бўлган бурчак остида қараган кузатувчига тилла қатлам текис тарзда кўринади. Ушбу «алдамчи» усул ёруғлик тўлқинининг чегараланган диапазони (1,4—2,7 мкм.) дагина самара беради.

Метаматериал муҳитида магнит ва диэлектрик ўтказувчанлик қиймати бир текисда ўзгариб туради. Бу эса унинг ичида тарқаладиган электромагнит тўлқинлар орқали метаматериал остидаги жисми кузатувдан беркитиш имконини беради.

Мазкур технология остида ишлаб чиқарилган яна бир усулга кўра пана-




даги жисмгача етиб борган ёруғлик тўлқини уни акс эттиради, аммо «кўринмас ёпинчиқ» остида бўлгани учун унда акс этган нур кузатувчига текис юза бўлиб кўринади.

Хабарингиз бўлса, сўнгги йилларда юқоридаги каби янгиликларни амалга ошириш имконини берадиган янги турдаги материаллар яратилипти. Уларнинг орасида энг асосийси ҳисобланаётган композит бирикмалар нафақат таркиби, балки ички тузилишининг геометрияси билан ҳам ўзига хосдир.

## «УЛКАН ҚИЗИЛ ДОҒ» ҲАРОРАТИ ҚАНДАЙ?

Европа Жанубий обсерваторияси олимлари илк маротаба Юпитердаги «Улкан қизил доғ»нинг тасвирларини олиш ва унда ҳарорат кўрсаткичлари жадвалини тузиб чиқишга муваффақ бўлишди. «Улкан қизил доғ» номини олган феномен аслида шу рангдаги қуюн бўлиб, у бир неча асрлар давомида мутахассислар томонидан кузатиб келинади. Бу ҳақида «Сайнс» илмий журнали хабар берди.



— Янги тажрибаларнинг қиммати шундаки, биз биринчи маротаба Қуёш тизимидаги энг катта гирдобнинг «ичига» назар ташлашга эришдик, — дейди тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари Гленн Ортон. — Бундан олдин «Улкан қизил доғ» ички тузилишга эга эмас, деган фикрда эдик. Аммо сўнгги изланишлардан у ўта мураккаб шаклга эга экани маълум бўлди.

Тадқиқотлар, шунингдек, «Улкан доғ»даги рангдор қизил қисмлари ҳажми тахминан Ер диаметридан уч баробар катта, уларнинг ўртача ҳарорат кўрсаткичлари нолдан 160 даража паст эканини кўрсатди.



## ДИНОЗАВРЛАР ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРГАН

Илмий назарияларга мувофиқ, бундан 200 миллион йил олдинги давр Динозаврлар даври номи билан юритилади. Уни ўрганаётган тадқиқотчилар ушбу давр ибтидоси Ер юзиде вулқонларнинг фаоллашгани билан боғлиқлигини амалда исботлади. Аниқланишича, вулқонлар туфайли ўша даврда қатор ҳайвонлар ва ўсимликлар нобуд бўлган. Натижада, динозаврлар бошқа тирик жонзотлар орасида устунликка эришган, дейилади олимларнинг «Просидингс оф Нэйшнл акедеми оф сайнс»

нашрида чоп этилган мақоласида.

Мутахассислар ҳулосасига кўра, вулқонлар тахминан 600 минг йил давомида фаол бўлган. Айни пайтда сайёрадаги улкан Пангея қитъаси таркибига кирган Америка ва Африка иккита алоҳида-алоҳида қитъаларга ажралиши жараёни ҳам юз берган. Мазкур ҳолат атмосферага катта миқдорда карбонат ангидридининг чиқарилишига сабаб бўлган. Оқибатда Ер юзидеги иқлим шароитлари кескин ўзгарган. Ўз навбатида, ўзгаришлар бутун сайёрадаги тирик жонзотлар, хусусан, ўша пайтда бошқаларга нисбатан анча йирик бўлган тўртоёқли круротарзлар (ҳозирги тимсоҳларнинг аждоди)нинг қирилиб кетишига олиб келган. Ер юзасида умргузаронлик қилган динозаврлар эса омон қолган ва тезкорлик билан етакчилик қилган.

— Кўпчилик динозаврлар нега қирилиб кетганидан хабардор, — деди бу борада изланишларда қатнашган АҚШнинг Браун университети профессори Жессика Уайтсайд. — Лекин уларнинг бошқа ҳайвонларга нисбатан устунликка эга бўлишига туртки бўлган сабаб нима экани ундан-да қизиқроқ масала аслида.

Қатор геологик тадқиқотлар туфайли тахминан 200 миллион йил илгари содир бўлган вулқонлар отилиши натижасида ҳозирги АҚШ худуди билан тенг лавалар оқими вужудга келгани аниқланди. Англия ва Америкада изланиш олиб борган олимлар айнан шу лава ҳосилалари, аниқроғи, улар остида қолган ҳайвонот ва ўсимликларни ўрганишга асосий эътиборни қаратган. Вулқонлар отилиши, оммавий равишда тирик организмларнинг йўқ бўлиши ва атмосферага карбонат ангидрид чиқарилиши ҳодисаларининг бир пайтда юз бергани олинган натижалар асосида тасдиқланган. Шунга таянган ҳолда мутахассислар Динозаврлар даврининг бошланиши билан вулқонлар фаоллашуви ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга муваффақ бўлган.

### Н. РУСТАМБЕКОВА ва Н.ҚОСИМОВ тайёрлади.

Тошкент давлат техника университети томонидан 2006 йилда Норбоева Чарос Абдумавлон қизига берилган 1571 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2004 йилда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 27-умумтаълим мактаби томонидан Асанбаев Муҳиддин Мусирманкулович номига берилган О'Р-Г № 0038395 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 134-мактаб томонидан 1992 йилда Мирзабеков Отабек Зульфиконович номига берилган А № 036128 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши жамоаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Қаршибой Эшназаровга ўғли

**ҒОФУРЖОН**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси бош таҳририят техник муҳаррири Рано Бабахановага волидаи муҳтарамаси

**МУҚАДДАС АЯ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

## ИНТЕРНЕТ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЙГУНЛИГИ

Японияда телекоммуникация соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни ўзида мужассам этган «Келажак уйи» лойиҳаси иш бошлади. Мамлакатнинг етакчи беш компанияси томонидан амалга оширилаётган мазкур лойиҳа интернет ва телевидениени уйғунлаштириш гоёсини илгари суради, деб ёзади «Никкэй» газетаси.

Дастур доирасида пластик тола асосидаги янги оптик кабель яратилиши ва унинг ёрдамида секундига 40 гигабит тезликда ахборотларни узатиш режалаштирилган. Бу эса, ўз навбатида ҳозирда энг тезкор тизимлардан ҳам тахминан қирқ маротаба катта кўрсаткичга эришилади дегани. Янги тизим орқали ҳар бир уйдаги катта экранли 3D телевизорлари бирлаштирилиб, «жаҳон тўри»га уланади. Натижада фойдаланувчи он-лайн ҳолатда фильмларни юқори сифатда кўриш ёки санокли сонияларда уларни юклаб олиш имконига эга бўлади. Видеотелефон ёрдамидаги мулоқот ҳам янги тизим туфайли янада қулай ва осонроқ кечадиган бўлади.

«Сони», «Тошиба» ва «Митсуи Кагаку» каби йирик корпорация вакиллари билан иборат ташкилотчилар яратилажак технология келажакда тиббиётда ҳам улкан самара бериши мумкин, деган фикрда. Сабаби унинг кўмагида соҳа мутахассислари масофадан туриб роботларни жалб этган ҳолда мураккаб жарроҳлик операцияларини ўтказиш имконига эга бўлади. Жараёнда улар роботлар хатти-ҳаракатларини мониторда кузатиб туриши мумкин.


Япония ҳукумати навбатдаги беш йил давомида татбиқ этиладиган ушбу лойиҳага 45 миллион доллар ажратган. Келгусида унга яна янги иштирокчилар қўшилиши кутилмоқда.



## ЎСИМЛИКЛАРДАН ОЛИНАДИ

«Ай-Би-Эм» компанияси ходимлари Стэнфорд университети олимлари билан биргаликда ўсимликлардан экологик тоза пластмассани ишлаб чиқишнинг самарали усулини жорий этишди. «Наука.км.ру» манбасининг маълум қилишича, парчаланмайдиган оддий пластмасса моддидан фарқли ўлароқ, янги турдагиси органик катализаторлардан ташкил топган. Улар туфайли пластик маҳсулот полиэтиленнинг барча фойдали хусусиятларини сақлаган ҳолда тез суръатларда микроорганизмларга бўлиниш хосасига эгадир.

Қолаверса, янги технология аввал фойдаланган пластик материални иккинчи маротаба ҳам қайта ишлаш имконини ҳам беради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, назарий жиҳатдан олиб қараганда, органик моддалардан ташкил топган пластмассани организмнинг маълум тўқималари билан бириктириш мумкин. Бу эса ўз навбатида келгусида тиббиётда қатор янги ютуқларга эришиш учун замин яратади.





# САМИМИЯТ САБОҚЛАРИ

Тошкент вилоят давлат педагогика институти табиатшунослик факультетининг биология кафедраси мудир, профессор Давир Тўхлиев жорий йилнинг январь ойида Москва шаҳрида «Халқаро экология, инсон саломатлиги ва табиатни муҳофаза қилиш» фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, академиги этиб сайланди.

«Дўстлик» ордени соҳиби, халқ таълими тизимида эллик йилдан буён меҳнат қилиб келаётган, экология мавзусига оид 100дан зиёд илмий ва илмий-методик мақола, 250га яқин илмий назарий ва илмий-методик материал муаллифи бўлган устоз 40 йилдан буён Ангрендаги педагогика институтида илмий ва педагогик фаолият кўрсатиб келмоқда.

Муаллим, устоз ҳамма жойда муаллим. Унинг ҳаёт тарзи, гап сўзлари доим ҳаммага яхшилик соғиниш, тўғри йўл-йўриқ кўрсатишдан иборат бўлиб қолади. Домла ҳам шунга маънан ҳақли шахслардан бири.

Нуробод туманидаги Қизилкарвон қишлоғида туғилиб, вояга етган Давир Тўхлиев қишлоққа ҳар борганида маҳалладошларининг тўйларида бўладими, бошқа маъракаларида, сўз олганда, албатта, катталарни, ота-оналарни ёш авлодни ўқимишли қилиб тарбиялашга қақиради. Фарзандига китоб ёки дафтар, газета ёки журнал сотиб олиб беришни ҳаёлига ҳам келтирмайдиган кимсаларни аёвсиз танқид остига олади. Илм-маърифат йўлидаги ҳамқишлоқларини уларга ибрат қилиб кўрсатади.



Домла фақат гапириш билангина чекланмайди. Журналистларга хос шижоат билан даврий нашрларда тез-тез чиқиш қилади, чиқиш қилганда ҳам ўткир мавзуларни қаламга олади. Олимнинг илм-фан, маданият, маънавият ривожига хизмат қилувчи, уларнинг тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларни жасорат билан тилга олинган илмий-тарбиявий мақолалари, дарслик, ўқув қўлланмалари, монография ва илмий-услубий тавсияларидан талабаю ўқитувчилар доимий фойдаланиб келмоқда.

Давир Тўхлиев билан илк бор суҳбатда бўлаётган киши бошида ундан бироз ранжиши мумкин. Биз ўша одамга гурунгни охиригача эшитишни маслаҳат берган бўлардик. Бунинг сабаби шундай — домланинг ҳаммаша бир маромда гапириши, яъни суҳбатдошига худди дўқ ураётгандек туюладиган оҳанг замирида аслида одамхунлик мужассамдир. Бу эса Давир Тўхлиевнинг ҳаммаша шижоатли, қишлоқчасига айтганда, даллигулли инсон эканидан далолат.

Устоз ҳар учрашганимизда эринмай самимият сабоқларини беради. Суҳбат-

ларидаги самимийлик одамни сеҳрлаб қўяди.

Устознинг ёш авлодни билимли, баркамол қилиб тарбиялаш йўлидаги меҳнатлари алоҳида эътиборга молик. Тошкент вилоят давлат педагогика институтида таҳсил олган ва бугунги кунда ўқиётган талабалар мамлакатимизнинг қайси ҳудудларидан, қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, Давир Тўхлиев уларнинг юртимиз тараққиётига муносиб улуш қўша оладиган даражада билим олишларини истайди. Шу йўлда уларга тинмай билим беради.

Давир Тўхлиев қарийб

## Oramizdagi odamlar

қирқ йилдан бери Ангренда истиқомат қилаётган бўлса, фарзандларидан ташқари бевосита шу шаҳарга келиб, бугунги кунда жамиятнинг турли соҳаларида жавлон ураётган 40га яқин оила (хўжалик)нинг пайдо бўлишига ўз ҳиссасини қўшганини улар мамнуният билан тилга оладилар.

Демак, бундан кўринадики, домланинг далли-гуллилиги яна хислатлар қўшилмоқда: чин инсонийлик, бунёдкорлик.

Табиат софлиги, энг аввало, инсоннинг кўнгли тозаллиги учун тинмай курашиб келаётган устоз, Қизилкарвондан чиққан академикни халқаро экологик муаммолар ва уларнинг ечими хусусида дунё минбаридан туриб, сўз юритиш имкониятига эга бўлгани билан қутлаймиз.

**Шерали НИШОНОВ,**  
Халқ таълими аълоҳиси

«Ўқитувчи» деганда, хумсоновулликлар кўз олдида дастлаб Мўмин ота ва Ҳарира ая келади. 96 ёшни қарши олиш арафасида турган Мўмин ота Жалилов Ўрта Чирчиқ туманидаги Хумсоновул маҳалласида турмуш ўртоғи Ҳарира ая билан 63 йилдан бери ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини бирга баҳам кўриб келмоқда. Ҳаётнинг гоҳида равон, гоҳида нотекис йўлларида елкама-елка бораётган бу икки ҳамроҳ ҳалол меҳнат эвазига одамлар орасида ҳурмат қозонди.



# ЯШАШНИ ЎРГАТГАН УСТОЗ

7-синфни Тошкентдаги мактабда тугаллаган Мўмин Жалилов дастлаб қандолатчилик корхонасида ючки бўлиб ишлади. 1935—1937 йилларда Тошкентда ҳарбий хизматни ўтаган йигитнинг шу соҳага бўлган қизиқиши уни ҳарбий билим юрти сари етаклади.

Иккинчи жаҳон урушида бор куч ва матонатини ишга солиб, душманни енгиш йўлида учраган тўсиқларни довраклик билан қарши олди.

Урушдан кўкчи медаль ва нишонларга тўлиб, қайтган. М.Жалилов 1945—1947 йилларда Ўрта Чирчиқ туман ҳарбий комиссариатида хизмат қилди. Кейинчалик ҳаётининг мазмунига айланиб қолган Ҳарира эса, бу вақтда тумандаги 31-мактабда болаларга таълим берар эди. Тақдирни қарангки, бора-бора Мўмин ота ҳам ўқитувчилик касбига нисбатан кучли иштиёқ сезиб, ўша мактабда жисмоний тарбиядан дарс бера бошлади. 1947—1980 йиллар оралиғида тумандаги 31 ҳамда 69-мактабларда у ўзининг қизиқарли ва шу билан бирга машаққатли ҳаёти давомида орттирган тажрибалари, меҳр-муҳаббатини болалар билан баҳам кўрди. Машғулотлар давомида ўқувчилар қалбига мақсад сари олға бориш ва ҳеч қачон ортга чекинмаслик керак,

деган олтин қоридани сингирди. Улар билан вилоят, республика кўрик-танловларида иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаб келди.

Ҳамкасблари ва шогирдлари 1950—1970 йилларда гимнастика соҳасида эришган улкан ютуқлари учун Мўмин отани «гимнастика қироли» деб қақирадиган бўлишди.

Дарвоқе, «Пахтакор» жамоасида тўп сурган машҳур ўзбек футболчилари — «чапақай дарвозабон» Юрий Пшеничников ҳамда марҳум Владимир Фёдоровларнинг биринчи мурабийси Мўмин ота бўлган.

63 йил — кам фурсат эмас. Мана шу фурсат ичида Мўмин ота ва Ҳарира ая қанчадан-қанча шогирдларни тарбиялади, 5 нафар элга фойдаси тегадиган фарзандни вояга етказди. Улар болаларга фақат хат-савод эмас, садоқат, меҳнат-севарлик, ҳалоллик каби инсоний фазилатларни қадрлаш, мақсад сари олға интилиш, оилани тотув ва мустақкам сақлашни ўргатди. Бугун Жалиловлар оиласини маҳалла ёшларига ибрат қилиб кўрсатадиган бўлишди, мажлис ва тадбирларда уларнинг ўз ўрни бор. Мўмин ота эса, чарчаш нималигини билмайди, ҳамон ҳар куни эрталаб бадантарбия билан шуғулланади, эл-юртга фойдам тега, дейди...

**Анвар НАШИР ўғли**

Узоқ йиллар мазмунли ҳаёт кечириб, юртимиз ва бошқа давлатлар кимёгарлари орасида муносиб ўрнини топган, ўз соҳасининг етук билимдони, бир қанча илмий монография, дарслик ва қўлланмалар муаллифи, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик Ҳусни Рустамов ҳаёт бўлганида, шу йилги Наврўзда юз билан юзлашган бўларди.

Салкам 80 йил мобайнида илм оламида чархланган, ҳаёт йўлларини муваффақиятли босиб ўтган, эл назарида юрган захматкаш олим бундай мартабага осонликча эришмаган, албатта. Зеро, бунинг учун катта илмий салоҳияту қобилият, меҳнатқашлик, толе, одоб ва яхши инсонларнинг дуоси керак бўлади. Олимнинг ҳаётини илмий изланишлар нуқтани назаридан босқичма-босқич узоқ давом этадиган зanjирли кимёвий реакцияга қиёсласа бўлади. Унинг умр йўли текис, равон бўлмагани аниқ.

Ҳ. Рустамов 1910 йил 21 март куни Тошкент шаҳрида оддий ишчи оиласида туғилган. Унга ота-онаси Ҳусни ва хулқи ҳар

жиҳатдан чиройли бўлсин деб Ҳусни исмини қўйишган бўлса, ажаб эмас. 6 ёшда отадан етим қолган Ҳусни ўрта маълумотни олгач, Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) кимё факультетига ўқишга кирди. Аввал мактаб-

лигининг тавсияси ва йўланмасига биноан Москва шаҳридаги минерал хомашёлар институтида давом эттириб, поёнига етказган ва «Уч компонентли системаларнинг сирт таранглиги» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли

Олимнинг илм-фан ва техникага қўшган ҳиссаси инobatга олиниб, 1968

йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, 1970 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби ва 2000

## Xotira — muqaddas

га виждонан ёндашгани, эл манфаатини кўзлаб иш тутгани учун ҳам кўпчиликнинг ҳурматида сазовор бўлган. У кишидаги ростўйлик ва адолатпарварлик, самимиятни шогирдлари жуда қадрларди. Оилада эса меҳрибон, ўз навбатида, талабчан устоз-ота сифатида фарзандлари қалбига муҳрланиб қолди. 3 қизи ва 1 ўғли ота изидан бориб, кимёнинг турли соҳаларида фан номзодлари бўлишди.

Ҳамма ҳавас қилса арзийдиган ҳаёт кечирган беназир олим, жонкуяр инсон, юксак салоҳият, иқтидор соҳиби, академик Ҳусни Рустамов гарчи орамизда йўқ бўлса-да, унинг эзгу ишлари фарзандлари ва шогирдлари ҳаётида давом этмоқда.

**Ҳожиақбар АБДУРАҲИМОВ,**  
Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти, кимё фанлари номзоди,  
**Ҳикматилла МАХСУМОВ**

# ЙИРИК ОЛИМ, ЖОНКУЯР ИНСОН ЭДИ

интернат, кейин университетда илм ва муомала маданияти сирларини жуда яхши ўрганди. 1932 йили университетни битириб, шу олий даргоҳда илмий ишини бошлади. Ўша пайтлардаги қийин иқтисодий шароитда университетни тугатишнинг ўзини жасорат дейиш мумкин эди.

Республикада кимё фани ҳали ривожланмаган, мутахассислар етишмасди. Илмий ишни Ҳусни Рустамов университет раҳбарияти, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

ҳимоя қилди, кимё фанлари номзоди бўлди. Шу йилнинг ўзида ЎОДУнинг физик кимё кафедраси мудир лавозимига тайинланди.

Дарс беришдан ташқари умумий ва физик кимё фан соҳаларида қатор дарслик ва қўлланмалар ёзиб чоп этди. Бу орада докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилди. Домланинг илмий ишига халқаро Нобель мукофоти совриндори академик Николай Семёнов ва унинг шогирди Н. Чириков илмий маслаҳатчилик қилганлар.

йили Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. Шу билан бирга, бир неча масъул лавозимларда ишлаган.

Ҳусни Рустамов илмий фаолияти давомида 24 нафар фан номзоди, 2 нафар фан доктори тайёрлаб, 250дан зиёд мақола, 9та дарслик, бир ўқув қўлланма ва 4та илмий-оммабоп рисола чоп этган сермахсул олимдир. Домла нафақат яхши олим, балки яхши инсон, дўст ҳам эди.

Ҳусни Рустамов қайси лавозимда ишlamасин, доим ўз иши-

# КАМОЛАНИНГ КАМОЛИ

Камола Авазова каби кўзларида шижоат, қатъият порлаб турган спортчи қизларни кўрганда, Ўзбекистон нафақат Алпомишлар, балки Тўмарислару Барчинойлар юрти эканлигига икром бўласиз. Чунки ўз соғлиги ва жисмоний етуклиги учун, қолаверса, юрт шаъни ва номини улуглаш мақсадида спорт билан шуғулланувчи, мусобақаларда ўз иқтидорини намойиш қилувчи ёшлар Ватан эртасининг буюклигини эслатиб турувчи тимсоллардир. Камола Авазованинг ҳам шу йўлдаги интилишлари таҳсинга сазовор.

Ёшлигидан жисмоний тарбия дарсларида доимо аъло баҳо олиб юрган Камоладаги қобилиятни онаси Зебо Омонова ўз вақтида пайқаб, уни спорт тўғрисида берди. У эса ўзининг қизиқшидан келиб чиққан ҳолда айкидо спорт турини танлади. 2007 йилдан бошлаб спортнинг реал айкидо тури билан мунтазам шуғуллана бошлаган қахрамонимиз қалбида келажакда жаҳон спорти майдонларида Ўзбекистон байроғини юқори кўта-

риш мақсади куртак ёзди. Ана шу орзунинг илк ижобати 2008 йил декабрь ойида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида амалга ошириб, уни кумуш медаль эгасига айлантирди. Интилувчан, ўзига талабчан ва масъулиятли спортчи бу натижаси билан қаноатланмади. Ўз устида тинимсиз ишлади. Натижада, 2009 йил апрель ойида ташкил этилган Ўзбекистон биринчилигида чемпион номига сазовор бўлди. У ўзининг бу каби ютуқларида меҳрибон ва доимо

уни қўллаб-қувватлаб турувчи онаси, қолаверса, қизиққан спорт тури билан шуғулланиши учун ҳукуматимиз томонидан ҳар бир ҳудудда замонавий шароитларнинг яратиб берилишида, деб билади. Чемпионнинг мураббийси Элмурод Жўраев ҳам шогирдининг муваффақиятларидан хурсанд ва ундан янада кўпроқ ғалабалар кутишини айтиб ўтди.

— Камолада спортчиларга хос туғма қобилият бор. У машқларни тезда ўзлаштиради. Ўзига нисбатан талабчанлиги сабабли ҳозирда жуда яхши спорт формасида, — дейди мураббий биз билан суҳбатда.

Камола Авазова Қарши шаҳридаги 34-мактабни тугатиб, ҳозирда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, яққаураш спорт турлари факультетининг биринчи босқичида таҳ-


## Qizlar sporti



сил олмоқда. Шу билан бирга дарсларда таэквандо билан ҳам жиддий шуғулланишини айтди.

Тўмариснинг авлодидан бўлмиш Камоланинг келажакда жаҳон чемпиони номига муносиб ўзбек қизи бўлишига биз ҳам ишонч билдириб қоламиз.

Санобар ЖУМАНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири



## МУХПИСЛАР ОЛҚИШИ ОСТИДА

Италиянинг Турин шаҳрида фигурали учуш бўйича бўлиб ўтган навбатдаги жаҳон чемпионати ўз низоисига етди. Унда япониялик Дайсуке Такахаси эркаклар орасида голиб сифатида шоҳсупага кўтарилди.

Ажойиб рамзлар ва хатти-ҳаракатлар асносида қурилган иккита дастур намойиши натижаларига кўра, Дайсуке жами 257,70 балл тўплашга муваффақ бўлди. Такахаси майдонда иккинчи дастурини намойиш этиб бўлгач, унинг, шубҳасиз, тенгсиз эканини ҳакамлар ҳайъатидан олдин томошабинлар аниқлаб берди гўё. Уларнинг қийқириқлари, олқишлари ким аслида ким эканини билдириб турарди. Бунга қадар япон спортчиси 2007 йилги жаҳон биринчилигида иккинчи ўринни қўлга киритганди. Ванкуверда кечган Олимпиадада бронза медаль билан кифояланганди. Иккинчи ўринни канадалик Патрик Чан (247,22 балл) эгаллаган бўлса, 3-ўринга француз спортчиси Брайан Жубер (241,74 балл) лойиқ кўрилди.



## ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Бир неча кун давомида шахмат ихлосмандлари диққати марказида турган Франциянинг Ницца шаҳрида ютуқ жамғармаси 216 минг еврони ташкил этган IX анъанавий «Амбер» халқаро шахмат турнири якунланди ва голиблар номи маълум бўлди.



Унда норвегиялик Магнус Карлсен ҳамда украиналик Василий Иванчук биргаликда биринчи ўринга лойиқ кўрилди. 12 март к, эи жаҳоннинг етакчи гроссмейстерлари ўзаро икки партиялик тезкор шахмат ўйнашди. Иванчук ўнгини учрашувда исроиллик Борис Гельфандни 1,5:0,5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Карлсен эса рус шатранжчиси Александр Гришук билан дурангга имзо чекди (1-1). Шу тариқа Иванчук ва Карлсен бир хил — 11 раунд натижаларига кўра, 14,5 очкодан тўглаб, «қўшхўжронлик» ўрнатган бўлса, улардан 1,5 очко камроқ жамғарган машҳур шахматчи Владимир Крамник 3-ўрин бўлди. «Амбер» турнирининг амалдаги чемпиони арманистонлик Левон Аронян бу гал 12 нафар қатнашчи орасида 9-ўринни эгаллади.

## ЭНГ КЎП МАОШ ОЛАЁТГАНЛАР

Французларнинг машҳур «France Football» журнали дунёнинг энг кўп маош олаётган футболчилари ва бош мураббийларини аниқлаб, «миллионлар ўйини» ихлосмандлари эътиборига ҳавола этди.



Унга кўра, айна дамда «Барселона» клуби ҳужумчиси Лионель Месси энг кўп маош олаётган ўйинчи деб топилди. Мессининг йил давомида оладиган мойнаси 33 миллион еврони ташкил этаркан. Кейинги ўринда «Лос-Анжелес Гэлэкси» клуби ярим ҳимоячиси Дэвид Бекхэм (30,4 млн. евро) турибди. Мураббийлар орасида «Интер» устози Жозе Моуриньо (13 миллион евро) 1-рақам билан кўрсатилган. Франция ички чемпионатида эса, аргентиналик ҳимоячи, «Марсель» вакили Габриэль Хайнце 4,5 миллион евро маош олаётти. Иккинчи бадавлат футболчи — «Бордо» ярим ҳимоячиси Йоан Гуркюфф (4,4 млн евро) ва 3-рақамли футболчи ҳам «Марсел»га тегишли — у Лучо Гонсалес (4,3 млн евро)дир.

«BYUTI TACH» МЧЖ ташкилоти ўз устав фондини 15216000 сўмдан 1900000 сўмга камайтираётганлигини маълум қилади.

# ТЕННИСДА ТОМОШАБИН КЎП

Хизмат сафари билан Миришкорда бўлганимизда туман ХТБ ходимлари 3-мактабда жисмоний тарбия ва спорт ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилганлиги, қолаверса, бир қатор илм масканлари бу борада ана шу мактабдан тажриба ўрганишларини айтиб қолишди.

## Sport oyliklari

Илиқ гап-сўзлар бизни 3-мактабга етаклади. Атроф топ-тоза, супуриб-сидирилган. Хоналару заллар, бурчаклар ўзига хос ораста дид билан безатилган. Каттаю кичик ўқувчилар бараварига одоб билан «Ассалому алайкум» дея салом беришади. Ўқувчилар ҳам, устозлар ҳам мактаб формасида, бежирим ва чиройли кийинишган.

— Мактабимиздаги 44 нафар устоз 550 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия беришяпти. Илм масканимизда жисмоний тарбия ва спорт ишлари талаб даражасида йўлга қўйилган, деб айта оламан, — дейди мактаб директори Болта Бўриев. — Жисмоний тарбия фани ойлгимиз ҳам аниқ тузилган режа асосида ўтказилаяпти. Волейбол, баскетбол, футбол, қўл тўпи, енгил атлетика, миллий кураш ва шахмат-шашка тўғрисидаги мунтазам ишлайди. Охириги йилларда мактабимизга спортнинг стол тенниси турини олиб кирдик. Дастлаб биттагина теннис



столимиз бор эди. Ўқувчию ўқитувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, яқинда теннис столларимиз сонини 7тага етказиб, алоҳида теннис зали ташкил этдик.

Дарҳақиқат, мавжуд 7та теннис столида ўқувчию, ўқитувчилар завқ-шавқ билан пинг-понг ўйнашяпти. Жисмоний тарбия ойлги муносабати билан илм масканида «Биринчи рақамли теннисчи» деб номланган мусобақа ўтказилаяпти.

Унда бошланғич синфлар ва юқори синф ўқувчилари ҳамда ўқитувчилар алоҳида иштирок этишмоқда.

— Бундай оммавий мусобақалар жисмоний тарбия ойлги муносабати билан спортнинг волейбол, баскетбол, футбол ва шахмат-шашка турлари бўйича ҳам ўтказилаяпти, — дейди мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Алишер Бегимов. — Уларнинг орасида стол теннис мусобақаси, айниқса, қизгин дамларга бой тарзда давом этаёпти.

Илм масканида жисмоний тарбия ойлгини ўтказиш муносабати билан бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Мактаб директорининг буйруғи билан ҳафтанинг ҳар шанба куни жисмоний тарбия ва спорт куни деб белгиланди. Спорт зали ва майдони, теннис зали қайта жиҳозланиб, тартибга келтирилди. Ўқувчиларнинг жисмоний тарбия фанидан олган назарий билимлари тест саволлари асосида мониторинг қилинди. Хуллас, юртимизнинг барча гўшалари қатори Миришкорда ҳам таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзи оммавийлашиб бораётгани кувонарлидир.

Абдували ОБИДДИНОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

# 01 ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Маълумки, қадимдан олов инсонларга яқин ёрдамчи бўлиб келган. Аммо ундан нотўғри фойдаланиш катта миқдорда зарар, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Айрим фуқароларнинг совуққонлиги туфайли ёнғинлар сони ортиб бормоқда. Ёнғиннинг олдини олиш мақсадида фуқаролар қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларини

га риоя қилишлари мақсадга мувофиқдир:  
- маҳаллардаги бинолар, уйлар ҳамда шахсий хонадонларда хавфсизлик чораларини кўриш;  
- уйдан қисқа вақтга чиқсангиз ҳам, электр ва газларни ўчириш ҳамда ёш болаларингизни ёлғиз қолдирманг;  
- газ ўчоқлари жойини ўзбошимчалик билан ўзгартирманг;  
- ёқиб қўйилган электр иситиш асбобла-

рини, электр дазмол, плита ва телевизорларни қаровсиз қолдирманг;  
- ёқилган иситиш печалари, газ ўчоқлари тева-рак-атрофида тез ёнувчи бўлган буюмларни сақлаш, қуритишга йўл қўйманг ва ёқилган ўчоқларни назоратсиз қолдирманг;  
- ёш болаларнинг гу-гуртлардан фойдаланишига йўл қўйманг.  
Ушбу ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳар бир инсон

ўзи ва ўзгалар ҳаёти ҳамда мол-мулкни сақлаб қолади. Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ёнғин ҳақида бирон-бир хавф-хатарни сезсангиз, дарҳол 01 телефон рақами орқали ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимларига хабар қилишингиз мумкин.

Н.АНВАРОВ,  
12-ХҲХО  
2-ҳарбийлашган  
ёнғин алоҳида пост  
кичик инспектори,  
сафдор



Хурматли Фароғат ХОЛМАТОВА!  
Сизни қутлуғ 50 ёшингиз ҳамда таваллуд топган кунингиз билан қизгин қутлаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, педагогик фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз. Ёш авлод тарбияси йўлидаги машаққатли меҳнатларингиз ҳаммиша ўз самарасини бераверсин.  
Жиззах шаҳридаги  
10-мактаб жамоаси



## ЗАВҚ УЛАШГАН ПАРВОЗЛАР

Яшариш, янгиланиш фасли — баҳор беихтиёр болаликнинг завқли онларини эсга солади. Баҳор — болаларнинг завқу-шавққа тўла ўйинлари билан янада гўзал, қалбларимизга меҳр-муҳаббат улашувчи сайлари айёмлари билан тароватли. Бу йилги нафосат фасли ҳам болажонларнинг беғубор қалбларига ҳаяжонга бой қувончли лаҳзаларни тухфа этди.

Пойтахтимиздаги "Ёшлик" спорт мажмуида халқимизнинг анъана ва қадриятларини, жумладан, миллий ўйинларни оммалаштириш мақсадида "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" лойиҳаси доирасида "Варрақлар сайли" фестивалининг республика босқичи ўтказилди. Халқ таълими вазирлиги, Респуб-


### Ta'til shukuhi

лика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳамда "Камалак" болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда 500 нафарга яқин ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Баҳорги таътил кунларини мароқли ўтказиш, тўғарақларда олинган билимларни амалиётда синаш мақсадида ўтказилган тадбирда ўқувчилар ўзлари ясаган олтмиш турдан зиёд варрақлари билан иштирок этди.


Фестиваль давомида осмон бўйлаб учган турфа шаклдаги ранго-ранг варрақлар қатнашчилару томошабинларга тенгсиз завқ улашди.

Дилшод КАРИМОВ,  
"Ma'rifat" мухбири

Суратларда: «Варрақлар сайли» фестивалидан лавҳалар акс этган.



Burhon RIZOQULOV olgan suratlar.



### Navro'z tarovati

## Ma'rifat

### ТА'СИС

### ЕТУВЧИЛАР:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi:  
Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ИНДЕКС: 149, 150. G-222.  
Tiraji 46913.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Mahmuda VALIYEVA.  
Navbatchi: Dilshod KARIMOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.  
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz  
Web-site: www.marifat.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonadan manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.  
Topshirildi — 22.30  
ЎЗА яқини — 21.00